ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ФАЛСАФА» КАФЕДРАСИ

**Баратов Хасаннинг**

В – 5141500-«Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари» йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун И.А. Каримовнинг **“Юксак маънавият енгилмас куч”асарида маънавиятнинг талқини** мавзусидаги

# БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: Олимова. М

Гулистон-2014

РЕЖА:

КИРИШ

I БОБ. И. А. Каримовнинг маънавий қарашлари ва “Юксак маънавият енгилмас куч” асарининг мазмун мохияти ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни

1.1 И. А .Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч”асари яралгунга қадар дастлабки асарларида маънавиятнинг талқини

1.2 Юксак маънавият енгилмас куч Асарнинг мазмун мохияти ва инсон ҳамда жамият ҳаётидаги ўрни ва ахамияти

1.3 Юксак маънавият енгилмас куч”асарига кенг жамотчиликнинг муносабати.

I I БОБ. Юксак маънавият енгилмас куч асарида маънавиятнинг талқини

1.1. Мънавият ва уни шакиллантирадиган асосий мезонлар

1.2 Миллий ғоя, маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги

1.3. Ватан равнақини таминлашда маънавиятнинг ўрни

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

МУНДАРИЖА

**Маънавият-** инсонни рухан покланиши, қалбан улғайишига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодинибутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

## КИРИШ

**Битирув-малакавий ишнинг умумий тавсифи.**

Ўзбекистон Республикаси Президент Ислом Каримовнинг ушбу асарида миллатнинг, ҳалқнинг, жамиятнинг мавжудлиги, барқарорлиги ва тараққиётига асос бўлган энг юксак тушунча маънавият, маънавий таъминланганлик, маънавий етуклик эканлиги ҳақида мушоҳада қилинади.

Китоб муқаддима, тўртта боб, ўнта фасл ва хотимадан иборат бўлиб, унда бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, ҳалқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоява мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Миллий ғоя ва маънавият ўзида икки йирик мажмуани мужассам этади. *Биринчиси*, ижтимоий ҳолатлар, ахлоқий идеаллар ва қоидаларнинг омма, хусусан ёшлар онгига сингдириладиган ва тадбиқ этиладиган мажмуаси. Бунда, биринчидан, тенг имкониятларга турли тоифавий, диний ва шу каби қарашлардан ҳалос бўлиш ишончига асосланган дастур.

*Иккинчи* мажмуа, Ўзбекистон давлатини қадрлаш ва эркин фаолият орқали Ўзбекистоннинг келажаги ҳақида ғамхўрлик қилиш муносабати.

Тарихдан маълум бўладики, маънавий қадриятларга, эзгуликка ундайдиган юксак омилларга эътибор сусайганда жамият, давлат ва бутун инсоният тараққиёти инқирозга учрайди.

Республикамизда жадал суръатлар билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, дунё ҳамжамияти ҳаётида кечаётган мураккаб жараёнлар, давлатлараро муносабатлар, тинчлик ва хавфсизлик масалаларига қаратилган. Жумладан, мустақил Ўзбекистонимиз хотиржамлигига хавф туғдириши мумкин бўлган терроризм, ақидапарастлик, гиёҳвандлик, миссионерлик ва прозелитлик каби иллатлардан бугунги кунда огоҳ бўлиб яшашни талаб этади.

Шунинг учун бугунги кунда ёшлар олдида Ўтмишни англамоқ, унинг сабоқларини ёдда тутмоқ, уларга суянмоқ, улар билан мағрурланмоқ ва шу билан бирга келажакка тўғри йўл танлашдек масъулиятли вазифа турибди.

Шу мақсадда ёшлар Ўртасида маънавият ва маърифат, миллий мафкурани ёйиш борасида мумтоз усуллар билан янги услубларни қўллаш орқали уларга миллий ғоя, Ватан туйғуси, миллий ғурур каби тушунчаларни сингдириш, уларда эркин тараққиёт ҳиссини уйғотиш долзарб вазифадир.

Ўсиб келаётган авлод бугунги эзгулик йўлидаги бунёдкорлик ишларининг давомчисидир. Миллий маънавиятимиз қирраларини келажак авлодимиз шуурида мукаммал шакллантириш ва юксалтириш учун барчамиз масъулмиз.

**Мавзунинг долзарблиги.**

Мавзуни долзарблигига тўхталадиган бўлсак Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг Юксак маънавият енгилмас куч асаридаги қуйидаги келтирилган фикрлар билан бошлашни маъқул деб биламан:

“**Биз ҳалқимизнинг дунёда хеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаетган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, хеч шубхасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта мухим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас**

**қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-окибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йулидан четга чикиб колишимиз мумкин”**[1].

Шундай экан ёшларимизни миллий маънавий рухда тарбиялашимиз, уларнинг онгида миллий маънавиятимиз, моддий ва маънавий қадирятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, неча - неча асрлик кўхна ёдгорликларимизни, буюк ота-бобларимиз қолдирган маънавий мэъросни кўз қорачиғимиздек асраб авайлаш ҳар бир ёш авлод учун ҳам - фарз, ҳам - қарз эканлигини унутмаслигимиз лозим деб биламан.

Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, “**дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, аваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади.** Бунинг тасдиғини узоқ ва яқин тарихдаги кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда шак-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

**Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таъҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин.**

Кези келганда илгари айтган бир фикримни такрорламоқчиман: **бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир**

[1] Каримов И.А Юксак маънавият – енгилмас куч “ маънавият” 2008. 4-б.

**бўшлик пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади”[1].** Юртбошимизнинг ушбу фикрлари алохида аҳамиятга эга.

Юқоридаги келтирилган фикрлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак аввawомбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрга эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш, уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига ўргатиш, ҳар қандай мафкуравий тазийқларга қарши ёшлар онгида мафкуравий имунитетни шакиллантириш асосий долзарб масаладир.

Ҳамда президентимиз И. А. Каримов ўзининг “Маънавият юксалиш йўлида” номли асарида эса “Мен президент сифатида одамларнинг маънавий тарбияси, тинч ва хайрли ишлар мақсадида харакат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб қуватлайман, у билан хамкорлик қиламан”[2] деб таъкидлайди. Шу боис мен ўз битирув малакавий ишимда ушбу долзарб масалаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиб ўз имкониятимдан келиб чиққан ҳолда, атрофлича ёритишга ҳаракат қилдим.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.**

Битирув-малакавий ишимнинг мавзусидан келиб чиқиб, унинг асосий мақсади сифатида: ёшларимизнинг маънавий етук, иродасини бақувват, иймон-эътиқоди мустаҳкам қилиб тарбиялаш ва ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида камол топтириш, муқаддас қадриятларимизни асраб-авайлашга, ҳурмат қилишга,кўз қорачиғидек эзозлашга ўргатиш ҳамда
ҳар қандай ёд мафкураларга қарши ёшларда мафкуравий имунитетини шакиллантириш, Ватанпарварлик, инсонпарварлик каби ҳислатларни қарор

[1] Каримов И.А Юксак маънавият – енгилмас куч “ маънавият” 2008. 11-12.б
[2] Каримов И.А Маънавият юксалиш йўлида Ўзбекистон 1998. 26-б

топтириш, уларни ўз мустақил фикрга эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялашдир.

Юқоридаги бош мақсаддан келиб чиқиб, битирув-малакавий ишни бажаришда ўз олдимга қуйидаги **вазифаларни қўйдим:**

- **Маънавиятнинг мазмун-мохиятини тушунтириш;**
- **Маънавиятнинг — инсон, халқ ва жамият тараққиётидаги ўрнини баён қилиш;**
- **ёшларимизни баркамол инсон қилиб тарбиялашда маънавиятнинг асосий мақсади ва вазифаларини изоҳлаш;**
- **Президентимизнинг асарларида жумладан "Юксак маънавият - енгилмас куч асарида ёшларга эътибор ва ёшларни маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялаш механизмини очиб бериш;**
- **Президентимизнинг асарларидан моддий ва маънавий меросини, миллий маънавиятимизни ўрганилишини кўрсатиш ва баҳолаш;**
- **Президентимизнинг бошқа асарларида маънавиятнинг талқинини унинг мазмун – мохиятини ёритиш;**
- **Миллий маънавиятимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган аждодларимиз фаолияти ва илмий меросини ўрнини кўрсатиш;**
- **баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида миллий маънавиятимиз ва маънавий мероснинг ўрни ва ролини баҳолаш;**
- **инсон манфати ҳалқ, миллат, давлат ва жамият манфатлари билан уйғунлигини таминлаш.**

**Ишдаги илмий янгиликлар.** Битирув малакавий ишда қуйидаги илмий янгиликларни яратиш кўзда тутилган.

Президентимиз И. А. Каримовнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асари яралгунга қадар бўлган асарлари ва нутуқларида, маънавиятнинг талқини, унинг мазмун-мохияти кенг ёритилиб берилган. жумладан: **"Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" (1992),** *«Халқимизнинг*

*маънавий меросини, рухини мустахкамлаш ва ривожлантириш-Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир.Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун ва инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган.*

*Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади.*

*"Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади".*

*Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири асосида шаклланган.*

*Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг ва давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт саодат бшлмайди.*

"Ўзбекистон келажаги буюк давлат" (1992),

**"Баркамол авлод орзуси" (1992),** *"Маънавиятнинг сеҳрли кучи шундаки, у инсон қалбида эзгулик, саҳоват, меҳр-мурувват каби олижаноб фазилатларни уйғотади"*

**"Биздан озод ва обод Ватан қолсин" (1993),** *Жамият тараққиёти иқтисодиёт билан маънавиятнинг бир-бири билан боғланган, бири иккинчисиз воҳе бўлмайдиган мураккаб жараёндир.*

*Иқтисодиёт ва маънавият ҳар қандай жамият ҳаёти ва тараққиётининг ўзаро ажралмас икки соҳаси, муҳим томонларидир. Улар бири-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб ва такомиллаштириб боради.*

*«Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт – жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият ва маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли-жонидир»-деб таъкидлаган эди ушбу асарида.*

**"Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура" (1993*)***

*«Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ,*

*мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик - маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг» - деб таъкидлайди.*

*Биз учун маънавият, тарихий ва маданий қадриятлар, аҳолининг маънавий, ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий устувор вазифа бўлиши лозим.*

*Маънавият ўз-ўзидан шаклланадиган нарса эмас, у аввало ҳар бир инсоннинг ички маънавий салоҳиятини шакллантириш йўлида барча моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштириш, Ватан ва миллат манфаатлари йўлида ҳалол, фидойилик билан меҳнат қилиш жараёнида шаклланади.*

**“Истиқлол ва маънавият” (1994),** *“Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг ва давлатнинг куч-қудратидир.У йўқ жойда ҳеч қачон бахт саодат бўлмайди”.*

*Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас: Улар инсониятнинг минг йиллар тарихи ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлар тажрибаси давомида юзага келган.*

*Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гунох бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсада, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса- бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ*

*“Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт - жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият- маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг рухи ақли ва жонидир”*

**“Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” (1996),** *Биз - деган эди И.Каримов ушбу асарида – иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнглаш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйгун бўлишини истаймиз. Сиёсатимизни шундай омилкор, салоҳиятли, оқибатли, ҳалол ва ижтимоий майдонларда собит турадигавн бўлсинлар». Юртбошимиз ўз фикрини давом эттирар экан*

*“Маънавият -тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда, ахлоқ - маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ - бу аввало инсоф ва адолат туйҚуси, имон, ҳалоллик дегани”, Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида харомдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак. Шундагина маънавият енгилмас кучга айланади.*

**“Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида ҳавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тарақққиёт кафолатлари” (1997*)*** *Президентимиз И.Каримов «бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлокий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди» деб таъкидлаган эди. Ўз фикрини давом эттирар экан “Шуни яна таъкидлаб ўтамизки, маънавият одамлар қалби ва онгига келажакка ишонч туйғусини олиб кириши, Ватанге мухаббат, инсонпарварлик, мардлик ва сабот-матонат, адолат ҳиссини тарбиялашга хизмат қилиши лозим”, Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий меъроси – дея давом эттиради юртбошимиз мазкур асарида - минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазийққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга утиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.*

**“Маънавий юксалиш йўлида” (1998)** *“Бирон-бир жамият маънавий имкониятларни, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадирятларни ривожлантирмай ҳамда мустахкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди”, Маънавият - инсонни, халқни, жамиятни, давлатнинг куч -*

*қудратидир, У йўқ жойга ҳеч қачон бахт – саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради, деб ўз фикрини билдирар экан: Ҳалқнинг маданий қадирятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайинида шарқ ҳалқлари учун қудратли манба бўлиб хизмат қилади.*

*"Бизнинг вазифмиз – шу хазинани кўз қорчиғимиздек асраш ва янада бойитиш. Мен президент сифатида одамларнинг маънавий тарбияси, тинч ва хайрли ишлар мақсадида харакат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб қуватлайман, у билан хамкорлик қиламан",*

**"Тарихий хотирасиз келажак йўқ" (1998)** "Ақл-заковатли, юксак маънавиятли қишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйиган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади", Президентимиз ўз фикрини давом эттирар экан: "Биз халкни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти оркали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз"

**"Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётиниг пойдевори"(1998)** *"Сир эмаски, ҳар бир давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳар бир қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир",*

**"Ўзбекистон XXI асрга интилмокда". (1999)** *Олий Мажлиснинг XIV-сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» мавзусидаги маърузасида маънавият тушунчасига қуйидаги фундаментал таърифни беради: "Маънавият... инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч..." дир., Бу таъриф ўзининг мазмуни ва моҳияти билан маънавият тушунчасини ўзида тўла акс этган. Унда инсоннинг ички руҳий оламини ифодаловчи барча компонентлар ўз ифодасини топган ва унинг инсон баркамоллигини*

*таъминлашдаги катта куч эканлиги белгилаб берилган. Шу муносабат билан маънавиятнинг жамиятни ривожланишидаги роли ҳақида Президентимиз томонидан келтирилган қуйидаги фикрларининг моҳиятини тушуниб олиб, уни бевосита ҳар биримиз ўзимизнинг кундалик вазифамизга айлантиришимиз миллатимиз ва мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш учун муҳим амалий аҳамиятга эгадир.*

**“Биз келажакни ўз қўлимиз билан қурамиз” (1999),** *Маънавият - узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйҚу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлади. Маънавият деганда авваламбор одамни руҳан покланишга, қалбан улҚайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйҚотадиган кучни тасаввур қиламан. Президентимиз ўз фикрини давом эттириб шундай дейди:*

*Энг аввало, бизнинг онгу тафаккуримизга, маънавиятимизга кишан бўлиб турган эски асоратлардан холи бўлган, замоннинг илҚор талабларига жавоб берадиган Қайрат-шижоатли, мард, инсоф-диёнатли ёшларимизнинг ҳал қилувчи вазифаларга келиши учун йўлни кенг очиб бериш керак.*

*Шу боис энди олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйҚун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир. Мен мана шундай инсонлар ҳақида ўйлар эканман, дунёқараши мустақиллик йилларида шаклланган ёшларимизда келажак маънавиятининг умидбахш куртакларини кўргандек бўламан. Ва уларнинг келажагига катта ишонч ва завқ билан қарайман.*

*Мухтарам президентимиз Юнеско ижройи кенгашининг 155-сессиясининг якунловчи мажлисида сўзлаган нутқида шундей дейди: “Бутун дунёга машҳур рус ёзувчиси Достоевскийнинг "Дунёни гўзаллик қутқаради" деган машҳур иборасини бироз ўзгартириб, "Кириб келаётган XXI асрда дунёни маданият ва маънавият қутқаради" деб айтган бўлардим”, деб таъкидлайдилар.*

**“Миллий истиқлол мафкура - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” (2000)** *«Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётганислоҳатларимизнинг самарадорлиги, аввало халқ маънавиятининг тикланиши, тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир» деб такидлайди юртбошимиз .*

“Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида эса ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрга эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини қарор топтиришда маънавиятнинг ўрни ва ахамияти кенг ёритилиб берилди.

**Ишнинг амалий аҳамияти.** Битирув-малакавий ишимиздан *Президентимизнинг маънавиятга доир асарлари ва «Юксак маънавит енгилмас куч” асарини ўрганувчилар учун асосий қўлланма бўлишига ишонаман ва* Маънавият асослари, Миллий истиқлол ғояси, Диншунослик, Ахлоқ, Маданиятшанослик, Ўзбекистон тарихи, ва бошқа ижтимоий фанлардан олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари талабалари, шунингдек, ўқитувчилар маъруза ва семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш жараёнида, бундан ташқари мазкур фанлардан курс ишлар ва ТМИлар ёзишда амалий жиҳатдан фойдаланишлари мумкин.

**Ишнинг тузилиши.** Битирув малакавий иши кириш, Икки боб, олти парагрф, хулоса ва фойдаланилган адабиёдлар рўйхатидан иборатдир.

## И. А .Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч”асари яралгунга қадар дастлабки асарларида маънавиятнинг талқини

Муҳтарам Президентимизнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асари яралгунга қадар ўзининг бир қатор асарларида, маърузаларида маънавиятга катта эътибор бериб унинг инсон ҳаётидаги ўрни ва ахамияти хусусида ўзининг бир қатор фикир ва мулохазаларини ёритган. Жумладан ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992), «Ўзбекистон буюк келажак сари» (1998), «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» (1992), «Истиқлол ва маънавият» (1994), «Маънавий юксалиш йўлида» (1998), «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (1998) ва бошқа кўплаб асарларида маънавиятга оид ғоялар кенг ёритиб берилган.

“Фарзандларимиз биздан кўра билимли, ақлли, кучли, доно ва албатта бахли бўлишлари шарт” – дея такидлар экан Президентимиз, келажаги буюк бўлган мустақил демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этиш маънавий жиҳатдан етук, ахлоқан пок қилиб тарбияланган ёшлар қўлидалигини кўрсатиб ўтади. Шундай экан ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш, айниқса, ижтимоий ва маънавий соҳада қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозимлиги юртбошимиз томонидан ҳам таъкидланади:

- Инсонпарварлик ғояларига содиқлик;
- Миллий истиқлол ғоясига содиқлик;
- Маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш;
- Қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш;

- Ҳур фикрлилик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш;

- Ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш;

Халқимизнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналарини, маънавий тажрибасини таълим ва тарбия тизимига узвий равишда киритиш;

- Ижоднинг барча турларини ривожлантириш.

Президентимиз маънавиятни ақл-ахлоқ, онгли амалий фаолиятда шаклланиши ва ривожланишини таъкидлаб «Маънавият — тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак»[1] - деб уқтиради.

Шундай экан маънавият инсон қалбида, кўнглида акс этиб, ўзида адолат, тўғрилик, софдиллик, виждон, ор-номус ватанпарварлик, гўзалликни севиш, ёвузликкка нафрат, ирода, матонат каби инсоний хислатларни намоён қилади. Маънавият инсоннинг дунёқараши ва эътиқодини шакллантиради. Ирода ҳам унинг ажралмас қисмидир.

Инсон ақлий мавжудот бўлганлиги сабаб доимо ўзида эркинликка, адолатга, меҳр-мухаббатга, гўзалликга, камолотга интилишга, қобилиятларини намоён этишга, ижод этишга, маънавий эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам инсон ишлаб чиқарувчи, меҳнат қилувчи ва яратувчидир. Деб таъкидлайди ўзининг Ўзбекистонинг ўз истиқлол вка тараққиёт йўли номли асарида.

Юртбошимиз маънавиятни жамият тараққиётида ҳал қилувчи куч деб билади. У ўзининг «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» асарида шундай дейди: “Сир эмаски, ҳар бир давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳар бир қудрати

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистонинг ўз истиқлол вка тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон”, 1992, 7-6

ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир”[1].

Таълим-тарбия масаласи жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқлигига юртбошимиз алоҳида эътибор бериб, таълим-тарбия ислоҳоти зрурлигини асослаб беради ва: «Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди, ҳаммасининг замирида тарбия ётади»[2], дейди президентимиз ўзининг “Баркамол авлод орзуси” номли китобида.

Мамлакатимиз раҳбари «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида “Ақл-заковатли, юксак маънавиятли қишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади”[3], - деб таъкидлайди.Бугунги кунда жамиятимизнинг олий қадрияти ҳисобланган инсон хақ ҳуқуқлари давлатимиз томонидан тўла кафолатланган.

Президентимиз ўз фикрини давом эттирар экан: “Биз халкни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти оркали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз”[1].

“Энди асосий масалага ўтсак. Хуш, тарихнинг маънавиятимизда тутган ўрни кандай? Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта, мумкин эмас! **Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак.**

Ҳар кайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёкка туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига

---

[1] Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётинииг пойдевори. Т.: «Шарқ», 1998, 5-б.

[2] Баркамол авлод орзуси. Т.: «Шарқ», 1992, 53-б.

[3] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998, 7-б.

[1] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998 18.б.

бериши табиий. Нега жахонда Ахмад Фарғоний, Мухаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII—XIX асрларга келиб, то шу чоққача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнгги уч аср мобайнида бошимиз қолоқликдан чикмай колди? Аждодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қолоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикан? Деган савол барчамизни ўйлантиради.Тарихий илдизини излаган одам, албатта, бир кун мана шундай саволларга дуч келади ва, аминманки, тўғри хулосалар чиқаради. Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир”[1].

Юқорида айтиб ўтган фикирларимизнинг давоми сифатида президентимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил)номли асарида маънавиятни ҳар томонлама атрофлича ёритиб берганлар.

Юртбошимиз мамлакатни ривожлантиришнинг иқтисодий, сиёсий омилларини кўрсатиш билан бирга унинг маънавий-ахлоқий негизларини ҳам ишлаб чиқди. Аслини олганда, ахлоқ - маънавиятнинг ўзаги. Шундай экан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий тараққиёти бевосита унинг маънавий-ахлоқий негизларининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқлиги таъкидланади ва бу негизлар сифатида қўйидагилар кўрсатилади.

[1] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998 8-9.б.




Умуминсоний қадриятларга содиқлик деганда нималарни тушунишимиз керак? Умуминсоний қадриятларга адолат, тенглик, озодлик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликни киритиш мумкин. Мисол учун қадимдан ота боболаримиз даврида ахл қўшничилик қадриятига асосан қўшнилар ҳар куни бир-бирларининг уйларига таом олиб чиқиб ҳолларидан хабар олишган. Бу удум сифатида бази жойларда халигача давом этиб келмоқда. Шу ўринда бир ривоятда: бир инсоннинг уйида сичқонлар кўпайиб кетганлиги боис, улардан қандай қутилиш йўлини бир биродоридан сўрайди. У бунга жавобан, бунинг давоси битта мушук ҳолос, - дейди. Шунда ҳалиги киши, мен агар уйимга мушук олиб келсам сичқонлар ҳаммаси қўшнимникига қочади ва улар қўшнимнинг тинчини бузишади. Мен эса бундай қила олмайман, - дея жавоб беради. Шунингдек халқимизда бир болага етти маҳалла ота-она деган нақл бор. Шундан ҳам кўриниб турбдики халқимизда ўзаро ахиллик ва инсонпарварлик қадриятлари юксак даражада шаклланган. Бизнинг ўзбек халқимиз бу қадриятларнинг нозик куртакларини асрлар оша асраб-авайлаб келмоқда. Мамлакатимизнинг куч-қудрати манбаи ҳам унинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидадир.Инсонпарварлик — бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир.

«Халқимизнинг маънавий меросини, рухини мустахкамлаш ва ривожлантириш-Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир.Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун ва инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган.

Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади.

"Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади"[1].

Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири асосида шаклланган.

Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг ва давлатнинг куч-қудратидир»[1]. Зиёлилар ва ўқитувчилар асосий вазифаларидан бири ҳам ўтмиш маънавий меросимизни ёш авлодга етказиш ва буни етказишнинг янада самарали усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Инсоннинг ўзи ва ўз оиласининг бахт-саодати йўлида меҳнат қилишга шахсан тайёр эканлиги унинг ички имкониятларини ташкил қилади. Шахс имкониятлари жуда чуқур асосларга эгадир. Ўтказилаётган ислоҳотлар республика фуқароларининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги ва фидойилигини намоён этишда уларга янги имкониятлар очиб беради.

Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди. Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон —қардош қилади. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион – миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам поёнига етиб ҳам бўлмайди. У – инсон учун бутун бир Олам.

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз иститқлол ва тараққиёт йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1992, 70. б.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз иститқлол ва тараққиёт йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1992, 70-71 б.

Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машҳур бўлган Беруний, Ал – Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Ат Термизий, Аҳмад Яссавий, Навоий, Улуғбек ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Улар ўзларини ҳақиқатга ташна ва ўзи ҳақиқат бўлган халққа бағишладилар. Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари, халқ хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишга лойиқдир.

Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчанлик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб – кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади. Ёшлар, уларнинг иқтидорлиги ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маънавиятни тушуниб етиш бошланади.

Бундан ташқари Президентимиз ўзининг “Истиқлол ва маънавият” номли асарида ҳам маънавият ҳақида шундай дейди: “Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг ва давлатнинг куч-қудратидир.У йўқ жойда ҳеч қачон бахт саодат бўлмайди”[1].

Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас: Улар инсониятнинг минг йиллар тарихи ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлар тажрибаси давомида юзага келган.

Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гунох бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсада, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса- бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ

[1] Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият “ўзбекистон” 1994. 9-б.

“Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт - жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият- маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг рухи ақли ва жонидир”[1] деб таъкидлайдилар юртбошимиз ўз асарида.

Юртбошимиз ўзининг “Озод ва обод Ватан Эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш провард мақсадимиз” маънавиятга шундай тариф беради: “Маънавиятнинг сеҳрли кучи шундаки, у инсон қалбида эзгулик, саҳоват, меҳр-мурувват каби олижаноб фазилатларни уйғотади.[2]”

Президентимиз маънавият тушунчаси мазмунини очиб берар экан ўзининг “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура” номли асарида «Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик - маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг»[3] - деб таъкидлайди.

Биз учун маънавият, тарихий ва маданий қадириятлар, аҳолининг маънавий, ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий устувор вазифа булиши лозим.

Маънавият ўз-ўзидан шаклланадиган нарса эмас, у аввало ҳар бир инсоннинг ички маънавий салоҳиятини шакллантириш йўлида барча моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштириш, Ватан ва миллат манфаатлари йўлида ҳалол, фидойилик билан меҳнат қилиш жараёнида шаклланади.

Президентимиз асарларини қунт билан ўрганиб борар эканмиз, уларда олдинги асарларда илгари сурилган ғоялар кейингиларида ижодий ривожлантирилган, мазмунан ва моҳиятан бойитилганлигини кўрамиз. Энг асосийси шундаки, ана шу бойитиш жараёнида жамият ва миллатимиз тараққиётида содир бўлган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда юзага келган янги муаммоларни ҳал этишнинг назарий асослари ўз ифодасини топган. Жумладан, у Олий Мажлиснинг XIV-сессиясидаги «Ўзбекистон XXI

---

1 Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият “ўзбекистон” 1994. 59-б.

2 Каримов И.А Озод ва обод Ватан Эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш провард мақсадимиз 8-том

3 Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Нутқлар, мақолалар суҳбатлар). Т: Ўзбекистон, 1993, 78-бет.

асрга интилмоқда» мавзусидаги маърузасида маънавият тушунчасига қуйидаги фундаментал таърифни беради: “Маънавият... инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч...”[1] дир.

Бу таъриф ўзининг мазмуни ва моҳияти билан маънавият тушунчасини ўзида тўла акс этган. Унда инсоннинг ички руҳий оламини ифодаловчи барча компонентлар ўз ифодасини топган ва унинг инсон баркамоллигини таъминлашдаги катта куч эканлиги белгилаб берилган. Шу муносабат билан маънавиятнинг жамиятни ривожланишидаги роли ҳақида Президентимиз томонидан келтирилган қуйидаги фикрларининг моҳиятини тушуниб олиб, уни бевосита ҳар биримиз ўзимизнинг кундалик вазифамизга айлантиришимиз миллатимиз ва мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш учун муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

«Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислоҳатларимизнинг самарадорлиги, аввало халқ маънавиятининг тикланиши, тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир»[2] деб такидлайди юртбошимиз ўзининг “Миллий истиқлол мафкура - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” номли асарида.

Жамият тараққиёти иқтисодиёт билан маънавиятнинг бир-бири билан боғланган, бири иккинчисиз воҳе бўлмайдиган мураккаб жараёндир.
Иқтисодиёт ва маънавият ҳар қандай жамият ҳаёти ва тараққиётининг ўзаро ажралмас икки соҳаси, муҳим томонларидир. Улар бири-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб ва такомиллаштириб боради.

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т: Ўзбекистон, 1999, 17-бет.
[2] Ўша асар 18-бет.

«Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт – жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият ва маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли-жонидир»- деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» номли асарида.

Иқтисодиёт билан маънавий ҳаётининг узвий бирлиги, бири иккинчисиз мавжуд эмаслиги, уларнинг жамият тараққиётидаги бир-биридан кам бўлмаган аҳамияти мустақил Ўзбекистон Республикаси учун бевосита таалluқлидир.

Биз - деган эди И.Каримов «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» асарида – иқтисодий ўнгланиш, иҳтисодий тикланиш, иҳтисодий ривожланишни маънавий ўнглаш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйгун бўлишини истаймиз. Сиёсатимизни шундай омилкор, салоҳиятли, оқибатли, ҳалол ва ижтимоий майдонларда собит турадигавн бўлсинлар». Юртбошимиз ўз фикрини давом эттирар экан

“Маънавият -тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда, ахлоқ - маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ - бу аввало инсоф ва адолат туйҚуси, имон, ҳалоллик дегани”[1].

Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида харомдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак. Шундагина маънавият енгилмас кучга айланади.

Жамият моддий ҳаётининг унинг маънавий ҳаётига кўрсатиган таъсири, албатта катта. Ана шундай фалсафий қоидага асосланиб жамият маънавий ҳаётининг иқтисодиётга, сиёсатга, ижтимоий муносабатларга,

---

[1] Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир 1996.

умуман айтганда жамият тараққиётига бўлган кучли таъсирини асло инкор этиб бўлмайди.

И.Каримов жамият ҳаётининг барча жабҳалари, биринчи галда иҳтисодиёт маънавият ва маърифат билан узвий алоқадорлигини таъкидлаб шундай дейди: «Бугун биз ўтказаётган ислоҳотларда маънавият соҳасидаги вазифалар менинг учун асосий масала бўлиб келмоқда. Нимага деганда, бозор иқтисодиётини кўриш мумкин. Янги ҳаётни ҳам, албатта барпо этамиз. Халқимизнинг ҳаёт даражасини ҳам кўтариб оламиз. Ишсизлик бартараф этилади, одамларнинг даромадлари яхшиланади. Лекин одам нафақат иқтисодий жихатдан, балки менинг назаримда, аввало маънавий жиҳатдан бақувват бўлиши шарт. Яна бир такрор айтаман: илдизи бақувват, яъни руҳан бардам, онги тийрак, маънавий нуқтаи назардан юксак кишилар билан олдимизда турган барча муаммоларни ҳал этиш осон кечади».

Юртбошимиз ўзининг Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт провард мақсадимиз номли асарида маънавиятга шундай тариф беради “ Маънавиятнинг сеҳрли кучи шундаки, у инсон қалбида эзгулик, саховат, меҳр-мурувват каби олижаноб фазилатларни уйғотади” деб таъкидлаганлар. Дарҳақиқат маънавият инсоннинг қалб гўзаллиги демакдир.

Президентимиз И.Каримов «бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлокий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди»[1]-деб таъкидлаган эди «Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида ҳавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тарақққиёт кафолатлари» номли китобида. Ўз фикрини давом эттирар экан “Шуни яна таъкидлаб ўтамизки, маънавият одамлар қалби ва онгига келажакка ишонч туйғусини олиб кириши,

[1] Каримов И.А Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида ҳавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тарақққиёт кафолатлари “Ўзбекистон” 1997.

Ватанге мухаббат, инсонпарварлик, мардлик ва сабот- матонат, адолат ҳиссини тарбиялашга хизмат қилиши лозим"[1].

«Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий меъроси – дея давом эттиради юртбошимиз мазкур асарида - минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазийққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга утиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди»[2].

"Бирон-бир жамият маънавий имкониятларни, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадирятларни ривожлантирмай ҳамда мустахкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди"[3] деб таъкидлар экан Мухтарам президентимиз ўзининг Маънавият юксалиш йўлида нномли асарида, манавиятга шундай тариф беради: Маънавият - инсонни, халқни, жамиятни, давлатнинг куч - қудратидир, У йўқ жойга ҳеч қачон бахт – саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради, деб ўз фикрини билдирар экан: Ҳалқнинг маданий қадирятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида шарқ ҳалқлари учун қудратли манба бўлиб хизмат қилади.

"Бизнинг вазифмиз – шу хазинани кўз қорчиғимиздек асраш ва янада бойитиш. Мен президент сифатида одамларнинг маънавий тарбияси, тинч ва хайрли ишлар мақсадида харакат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб қуватлайман, у билан хамкорлик қиламан"[4].

Туркистон" газетаси мухбири саволларига Президентимиз пировардида маънавият муаммоларига яна бир карра тўхталиб, энди эса "Озод, ўз хақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, бокимандаликнинг хар кандай куринишларини узи учун ор деб биладиган ўз кучи ва аклига ишониб

---

[1] Каримов И.А Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида ҳавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва таракккиёт кафолатлари "Ўзбекистон" 1997.
[2] Ўша асар
[3] Каримов И.А Маънавият юксалиш йўлида Ўзбекистон 1998. 5-б
[4] Каримов И.А Маънавият юксалиш йўлида Ўзбекистон 1998. 26-б

яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халк.Ватан манфаатлари билан уйгун холда курадиган комил инсонларни тарбиялаш навбатдаги энг мухим вазифа хисоб ланади " дейди.

Президентимиз маънавиятнинг моҳиятини очиб бериш билан бир вақтда бу соҳада амалга оширилиши керак бўлганислоҳатларнинг стратегик йўналишларини ҳам белгилаб беради. Шу жумладан, у «Фидокор» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида қуйидагиларни таъкидлайди: ***«... авваламбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрга эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш, уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишидир»[1].***

Юртбошимиз Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз (1999) номли асарида:

Маънавият - узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйҚу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлади. Маънавият деганда авваламбор одамни руҳан покланишга, қалбан улҚайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйҚотадиган кучни тасаввур қиламан. Президентимиз ўз фикрини давом эттириб шундай дейди:

Энг аввало, бизнинг онгу тафаккуримизга, маънавиятимизга кишан бўлиб турган эски асоратлардан холи бўлган, замоннинг илҚор талабларига жавоб берадиган Қайрат-шижоатли, мард, инсоф-диёнатли ёшларимизнинг ҳал қилувчи вазифаларга келиши учун йўлни кенг очиб бериш керак.

---

[1] Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2000 й, 12-13 бетлар.

Шу боис энди олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйҚун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир. Мен мана шундай инсонлар ҳақида ўйлар эканман, дунёқараши мустақиллик йилларида шаклланган ёшларимизда келажак маънавиятининг умидбахш куртакларини кўргандек бўламан. Ва уларнинг келажагига катта ишонч ва завқ билан қарайман.

Мухтарам президентимиз Юнеско ижройи кенгашнинг 155-сессиясининг якунловчи мажлисида сўзлаган нутқида шундей дейди: “Бутун дунёга машҳур рус ёзувчиси Достоевскийнинг "Дунёни гўзаллик қутқаради" деган машҳур иборасини бироз ўзгартириб, "Кириб келаётган XXI асрда дунёни маданият ва маънавият қутқаради" деб айтган бўлардим”[1], деб таъкидлайдилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак  Президентимиз асар ва нутуқларида маънавиятнинг мазмун -моҳиятини очиб бериш билан бир вақтда унинг инсон ҳаётида нечоғлик зарурлиги, ёшларимизни иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрга эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда,  ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш, келгуси авлоднинг келажаги учун мустахкам пойдевор бўлишига замин яратади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг**
**“Юксак маънавият –енгилмас куч” китобининг мазмун-моҳияти**

Маълумки, маънавият башарият тараққиётининг барча даврларида халқлар, жамиятлар, давлатлар ва тамаддунларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий такомилини таъминлайдиган энг муҳим омил, кишиларни улуғ мақсадлар сари интилишларини бирлаштирувчи бунёдкор куч, инсоннинг юксак фазилатларини ўзида мужассам этган бебаҳо бойлик сифатида хизмат қилиб келган. Шу маънода, ижтимоий-иқтисодий ва технологик тараққиётнинг энг юксак чўққисига кўтарилган, аммо ўз тарихи, маънавий-маърифий ва илмий-фалсафий мероси, азалий урф-одат ва қадриятларига беэътибор бўлган давлат ва жамият, эртами кечми, таназзулга юз тутиши эҳтимолдан холи эмас. Ва аксинча, ана шу бебаҳо бойликка таяниб, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб ва бойитиб, бўлғуси авлодларга беками-кўст етказиб беришни кўзлаган жамият ҳар жиҳатдан тараққий этиши шубҳасиздир.

Шу жиҳатдан қараганда, Президентимизнинг **“Юксак маънавият— енгилмас куч”** китобида маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, истиқлол йилларида юртимизда маънавий қадриятларимизни тиклаш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳамда келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар илмий жиҳатдан теран таҳлил этилиб, мамлакатимизнинг истиқболдаги маънавий янгиланиши ва юксалишига хизмат қиладиган янги ғоя, фикр-мулоҳаза ва хулосалар баён этилган.

Китобда илгари сурилган ғоя ва қарашлар бугунги ва эртанги ҳаётимиз, жамиятимизни демократлаштириш ва модернизациялаш, фуқароларимизда замонавий тафаккурни шакллантириш ва ёш алодни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз. Чунки ушбу асарда маънавиятнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хусусиятлари, унинг инсон, жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ва таъсири, бугунги кундаги аҳамияти тўғрисидаги яхлит таълимот таърифлаб берилган.

---

[1] Каримов И.А Биз келажакни ўз қўлимиз билан қурамиз 1999.

Муаллифнинг кўп йиллик кузатишлари, фикр ва мулоҳазалари маҳсули бўлган, ҳар томонлама теран илмий ва ҳаётий қарашларга асосланган ушбу китоб тўрт бобдан иборат бўлиб, унда маънавият соҳасига оид қонун ва категориялар, тушунча ва тамойиллар яхлит бир мажмуа ҳолатига келтирилган ва умумий илмий-назарий тизимни ташкил этган.

Китобда кўтарилган муаммолар, илгари сурилган ғоя ва қарашлар, турли масалалар юзасидан баён қилинган фикр-мулоҳазалар ва хулосалар фақат бир миллат, жамият ёки давлат эмас, балки башариятга хос бўлган умуминсонийлик ва бағрикенглик тамойиллари асосида ёритиб берилган. Шу маънода, маънавият билан боғлиқ масалаларни бутун дунёдаги барча халқлар ва минтақалар учун умуминсоний глобал муаммо сифатида тавсифлаш мазкур китобнинг асосий хусусиятларидан биридир.

Асарда маънавиятнинг одамзот учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келгани, инсоният ва жамият тараққиётидаги аҳамияти кўплаб мисоллар орқали кўрсатиб берилган. Унда истиқлол йилларида юртимизда маънавий қадриятларимизни тиклаш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳамда бажарилиши лозим бўлган вазифалар теран таҳлил этилиб, мамлакатимизнинг истиқболдаги янгиланиши ва юксалишига хизмат қиладиган янги ғоя, фикр-мулоҳаза ва хулосалар баён этилган. Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёш авлодни қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Китобнинг муқаддимасида мустамлакачилик ва мустабид тузум даврида топталган маънавий-маърифий меросимиз ва миллий қадриятларимизни тиклаш ва замон талаблари асосида ривож-лантириш ўта муҳим ҳаётий заруратга айлангани, истиқлол йилларида амалга оширилган туб ислоҳотларнинг негизини ташкил қилгани, турли ғоявий-мафкуравий

тажовуз ва таҳдидларга қарши мустаҳкам қалқон сифатида хизмат қилиб келаётгани, мафкуравий бўшлиқ вужудга келган даврда кишилар қалбига эзгу ғояларни сингдирган ва бунёдкорлик сари етаклаган куч сифатида намоён бўлгани ҳақида фикр юритилади.

Асарнинг **“Маънавият — инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир”** бобида маънавиятга оид илмий ва бадиий адабиётда илгари сурилган ва амалиётда қўлланадиган ёндашув ва талқинлар, унинг ғоявий, мавкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий жиҳатлари умумлаштирилиб, маънавият — инсонни руҳан покла-ниш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, йимон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, дея таърифланади. Назаримизда, бу таърифда инсониятнинг маънавий такомили жараёнида вужудга келган илғор қарашлар, шу жумладан, буюк аждодларимизнинг беназир ғоя ва таълимот-ларигина эмас, балки бугунги шиддатли давр воқелиги ҳам тўлиқ ифодасини топган. Айниқса, глобаллашув жараёни тобора чуқур-лашиб, бозор муносабатлари жамият ҳаётнинг барча соҳаларида қарор топиб бораётган шароитда иқтисодий тараққиётнинг маъ-навий такомиллашув жараёни билан уйғунлашуви масаласи беқиёс аҳамият касб этади.

Шу маънода, китобда башарият тарихида яшаб ўтган буюк алломаларнинг таълимотлари, замонавий илмда илгари сурилган концепциялар атрофлича таҳлил этилиб, дунёнинг кўпгина давлатларида, айниқса, Ғарб оламида моддий фаровонлик омили устуворлик касб этаётган, инсон ва жамият тараққиётнинг бош тамойили сифатида қарор топаётган бир шароитда моддий ва маънавий омиллар бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қаноти бўлгани каби, ўзаро уйғун ва муштарак талкин этилиши эътиборга лойиқдир. Зеро, асарда илгари сурилган ва ҳар томонлама асосланган бу ёндашув бундан қарийиб беш минг йил муқаддам яшаб ўтган буюк файласуф Суқротнинг жамият ҳаёти ва унинг такомиллашувида

маънавий қадриятларнинг аҳамияти ҳақидаги қарашлари, улуғ аллома боболаримизнинг маънавий-ахлоқий фазилатларнинг инсон ва жамият ривожида тутган ўрни хусусидаги таълимотларига ҳамоҳанг бўлиб, уларни бугунги воқелик ва замона талаблари асосида янги ғоя ва фикрлар билан бойитади.

Китобнинг **“Мустақиллик — маънавий тикланиш ва юксалиш”** деб номланган иккинчи бобида миллий ғоянинг маъно-мазмуни, унинг асосий тушунча ва тамойиллари, маънавий ҳаёт билан диалектик боғлиқлиги, жамиятимиз ҳаётни эркинлаштириш ва янгилаш жараёнида маънавий омилнинг тутган ўрни, юртимизда маънавий бойлигимизни асраб-авайлаш ва замон талаблари асосида ривожлантириш, маданият, таълим, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган ва келгусида қилинажак ишлар батафсил таҳлил этилиб, аниқ мақсад ҳамда вазифалар белгилаб берилади.

Шу маънода, куйидаги фикрлар диқаатга сазовор: **“Дунёдаги зуравон ва тажовузкор кучлар кайси бир ҳалқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, буйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни, энг буюк бойлиги бўлмиш миллий , қадириятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”[1].** Шундан сўнг «маънавий таҳдид»тушунчасининг мазмун ва мохияти очиб берилади. “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатий назар, — деб ёзади муаллиф, —ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг рухий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкўравий, ғоявий ва информация хуружларни назарда тутиш лозим, деб уйлайман”.

Бу фикрлардан шундай хулоса чикадики, маънавий таҳдид— аввало инсон эркинлигига қарши таҳдиддир. Бинобарин, маънавий таҳдидга қарши туриш ~ инсон эркинлигини химоя килиш демақаир.

Китобнинг яна бир мухим фазилати — унда мантиклтйилик ва тарихийликнинг доимо муштараклигидир. Яъни, асардагиҳар бир хулоса, илгари сурилган ғоя нафакат илмийназарий ёки мантикий жихатдан, айни пайтда кўплаб тарихий далил ва мисоллар ёрдамида ҳам исботланган. Муаллиф ҳалқимизнинг кадимги маънавий ёдгорликлари булмиш «Авесто»китоби, «Алпомиш»достонидан тортиб, мумтоз ва замонавий аллома ва мутафаккирларимизнинг ноёб мероси ҳақида юксак Ғурур билан фикр юритар экан, шунинг баробарида дунё халқаарининг буюк намояндаларини, уларнинг ёркин асарлари, улкан кашфиётларини ҳам эслаб, ибратли мисоллар келтиради.

Китобда тарих такозоси билан бир пайтлар чукур инкирозга тушиб долган ҳалқлар биринчи галда маънавият негизида юксалгани Япония ва Жанубий Корея ҳалқлари мисолида курсатилади. Маънавият — инсоннинг, ҳалқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва кучкудрат манбаи экани, бу хаётда маънавиятсиз ҳеч качон одамийлик ва мехрокибат, бахт ва саодат булмаслиги эътироф этилиб, **“маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак”**деган теран мазмунли хулоса чикарилади. Шу тарифа инсон ва маънавият муштараклиги ва диалектикаси очиб берилади

Маълумки, кадимда баркамол инсон ҳакида сўз борганда, бу масала асосан эътикрд, хулқатвор ва ахлоқ комиллиги нуқтаи назаридан таҳлил этилган, табиийки, шахснинг юксалиши учун жамият томонидан яратиладиган шартшароит, объектив ижтимоийиктисодий имкониятлар, сиёсий хукуқ ва эркинликлар масаласи четлаб утилган. «Юксак маънавият — енгилмас куч»китобида эса бу масалалар диалектик муштаракликқаа тахдил этилган, шу асосда аник, хулосалар чиқарилган. Бу эса муаллифнинг биз фақат аждодлар меросига махлиё бўлиб қолиш билан чекланмасдан, уни янада бойитиб, унга ўзхиссамизни кушиб, замон билан ҳамкхадам юришимиз, яъни дунёвий илмфан ва технологияларни чукур узлаштиришимиз керак, деган фикрларининг амалий тасдиғидир.

Китобда ҳали мустабид шуро тузуми мавжуд булган пайтда, яъни, 1990 йилнинг 24 март куни Ўзбекистонда президентлик бошкаруви жорий этилгани к,айд этилиб, бу вокеа ҳакли равишда юртимизни мустакиллик сари бошлаган биринчи кадам, деб баҳоланади. Менимча, ушбу фикрнинг мазмунмохиятини ва тарихий аҳамиятини очиб бериш учун уша пайтда собик, СССРда вужудга келган вазиятни бир эслаш керақ. Бу даврда собиқ СССР худудидаги вазият ниҳоятда тахликали эди. Арманистон ва Озарбойжон ўртасида Крра6оF масаласида жанжал авж олган, Сумгаит, Боку, Тбилисида қонли тукнашувлар

---

[1] Каримов И.А Юксак маънавият- енгилмас куч “Маънавият” 2008. 11-б.

бўлиб ўтган эди. Болтикбуйи республикаларида норозилик ҳаракатлари кучайиб борарди. Бундай вазият, афсуски, бизнинг юртимизни ҳам четлаб утмаган, Фаргона, Уш вокеалари, Паркент ва Букадаги туполонлар, ҳар хил бузгунчи кучларнинг бош кутариши, кунданкунга чукурлашиб бораётган иктисодий ва ижтимоий муаммолар, у мумий инқироз хрлати аҳволни жуда чигаллаштириб юборган эди. Ана шундай калтис шароитда республикамизда тинчлик ва барқарорликни асраб крлиш, Марказдан булаётган турли зарарли таъсирлардан ҳалқимизни ҳимоя килиш қандай қилиб булмасин, аввало, мустакил сиёсатимизни ишлаб чикиш ва амалга оширишни такрзо этар эди. Шу сабабдан Ўзбекистонда президентлик бошкарувини жорий этиш айнан ўзвактида амалга оширилган мардонавор карор ва ҳақикатан ҳам, мустакиллик сари куйилган дадил кладам эди.

Муаллиф ўзкитобида ҳалқимизнинг равнаки учун ғоят мухим булган бошка кўпгина масалалар катори «миллий кадрият»тушунчасининг мазмунини ҳам атрофлича ёритиб беради: **“Биз тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзуинтилишларимизга, тараккиёт талабларига кўра жавоб берадиган, йиллар ўтгани сари кадри ортиб борадиган ғоя ва тушунчаларни кадрият деб биламиз.**

**Хар қандай ижтимоий ҳодиса сингари миллий кадриятларнинг ҳам узига ҳос ривожланиш конунияти бор”[1].**

Бу фикрлардан ҳар қандай ғоя ва тушунча, агар миллий манфаатларга, бугунги ва эртанги орзу интилишларга, тараккиёт талабларига жавоб бермаса, кадрият булолмаслиги аён бўлади. Муаллиф бу ҳақикатни унутиш, миллий кадриятларни бирёклама, сунъий равишда улуглаш ва идеаллаштиришга олиб келиши мумкинлигидан огоҳ этади. Ҳеч шубҳасиз, бу фикрлар ўзбек кадриятшунослик фани — аксиология илмини теран назарий хулоса ва аник, тарихий ёндашув билан бойитади.

[1] Каримов И.А Юксак маънавият- енгилмас куч “Маънавият” 2008. 82-б.

Китобда кўпчилик учун бир карашда оддий туюладиган, лекин болаларимиз тарбиясида мухим аҳамиятга эга булган яна бир масалага алоҳида урғу берилади: “У ҳам бўлса, дунёга хайрат кузи билан бокиб, ундан узича маъно топишга интиладиган мургак фарзандларимизнинг кизякиши ва хиссиётларига мое кугарчоқ ва уиинчоклар ишлаб чикариш масаласидир”[1]. Бу фикрдан барчамиз учун бола тарбиясида иккинчи даражали нарса булмайди, деган ибратли хулоса келиб чикади. Ҳақикатан ҳам, бола оддий уйин ва уиинчоклар оркали оламни узи учун кашф этади, фантазиясини ривожлантиради, инсоний муносабатларни узлаштиради.

Хулоса килиб айтганда, «Юксак маънавият — енгилмас куч»китоби давлат ва жамият курилиши назариясини, фалсафа, сиёсатшунослик, назарий социология, маданиятшунослик, ижтимоий педагогика ва психология фанларини янгича караш ва тамойиллар, методологик ёндашувлар билан бойитиши билан катта илмийназарий аҳамиятга эга. Ҳеч шубҳасиз, у амалий жихатдан давлат ва жамият курилиши ва бошкарувини, таълимтарбия, маънавиймаърифий ишларни такомиллаштириш, бу борадаги фаолият самарадорлигини янада оширишга хизмат килади.

**Олим Тошбоев,** (филология фанлари номзоди,тележурналист) президентимизнинг “Юксак маънавият- енгилмас куч” асари хусусида тўхталар экан китобнинг мазмун-моҳияти ва унда кўтарилган “Оммавий маданият”хусусида ўзининг бир қатор фикрларини билдирган:... «Юксак маънавият — енгилмас куч»асарида муаллиф буюк тариҳ маданият ва маънавият эгаси булган ҳалқтганг фарзанди, бугунги дунёда кечаётган глобал жараёнларнинг маъномазмунини теран англайдиган, унинг мафкўравий, геосиёсий манзарасини аник, тасаввур этадиган улкан тафаккур сохиби, атоқаи давлат ва сиёсат арбоби сифатида кўпчиликни уйлантираётган мураккаб муаммоларни холис ва хдккрний тахлил қалиб беради. Хозирги шиддатли ва шафқатсиз замоннингҳар қайси миллат, жумладан, бизнинг ҳалқхмиз олдига

[1] Каримов И.А Юксак маънавият- енгилмас куч “Маънавият” 2008. 97-б.

куяётган талабларини очик, баён кнлади: **“Биз ҳалқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, Ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, катьият ва масъулиятимизни йукртсак, бу ута мухим ишни ўзҳолига, узибуларчиликка ташлаб куядшан бўлсак, мукаддас кадриятларимизга йугрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охирокибатда узимиз интилган умумбашарий тараққиёт йулидан четга чщиб црлишимиз мумкин”[1].**

Албатта, бугунги дунё бощдан кечираётган глобаллашув жараёни инсоният учун катгакатта имкониятлар эшигини очиб беради. Лекин, афсуски, дунёдаги айрим кучлар шундай ҳам мураккаб бу жараённи янада мураккаблаштириш, образли қаяиб айтганда, сувни янада лойкалатиб, истаганча балиқ тутишга зур бермоқаа. Хусусан, доимо зуравонлик ва гегемонлик ҳисобидан бойлик орттириб келган кучлар мана шундай талотуплардан фойдаланиб, «оммавий маданият»ғоясини кенг таргаб этмоқаа.

Шу маънода асар муаллифининг куйидаги фикрлари барчамизни сергак торттириши зарур: “Биз юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алохдца эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкўра ва ахлок, нормаларидан воз кепилганидан сунг жамиятда пайдо булган ғоявий бушлиқаан фойдаланиб, четдан биз учун мутлащо ёт булган, маънавий ва ахлокий тубанлик иллатларини ўзичига олган «оммавий маданият»ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак”.

“Оммавий маданият” нинг таг заминида аввало тижорат, моддий манфаатдорлик борлигини бугунги замонавий фан ҳам эътироф этади. Ҳақиқатан ҳам, ёт мафкўралар ҳар доим эркин бозор мухитида ҳаридоргир товарлар билан мустахкам урин эгаллаган. Туя карвонида бўладими ёхуд кема

юкхонасида бўладими — қандай шаклда булмасин, олиб келинаётган товар ёнида ҳамиша мухим сиёсий “махсулот”— ғоя бўлган ва у бошқа моллар қатори экспорт килинган. Айнан ана шу тактика “универсал маданият” экспортида бугун ҳам фаол қўлланмоқа”[2].

Маданият — аслида нисбий тушунча. Бу тушунчанинг шаклланишида кишини ураб турган мухит, яшаш шароити, муносабатлар тизими алоҳида урин тутади, десак, хато булмайди. Эътибор берганмисиз, сунгги туртбеш йил ичида миллий турмуш тарзимизга мутлакр ёт ва бегона булган зарарли одатлардан бири «Валентин куни»ни нишонлаш баъзи ёшлар орасида қандайдир «мода»тусини олмоқаа. Бу ўзнавбатида юкррида зикр этилган, глобаллашувни сунъий тезлаштиришгаҳаракат кзхлаётган ва шундан манфаат топаётган кучлар учун айни муддао.Узингиз уйланг, ота боболаримизнинг тушига ҳам кирмаган “Валентин куни” да аксарият кунгилочар жойлар ва дам олиш масканлари «ошиқмаъшук»ларни байрам дастурхонига (текинга эмас, албатта!) таклиф этади: хусусий радиостанциялар маъниматрасиз, булмагур кутлов ва номаларни ўқиб эшиттиришдан чарчамайди. Холбўки, уша биз танимайдиган, балки танишимиз унча шарт ҳам булмаган Валентин “бобо”нингномига мадху санолар ёшладиган айёмда, яъни 14 февраль санасида буюк аждодимиз Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган. Беихтиёр шундай хаёлга борасиз: нима, максад — Бобур Мирзодек боболаримизни яна хотирамиздан сикиб чикариб, уларнинг урнига Валентин «бобо»ларни сингдириш, бизни узлигимиздан айиришми? Ахир, биз бундай мудхиш кунларни, синов ва имтихрнларни якиндагина бошимиздан кечирган эмасмидик? Бугун уша коммунистик хатарлар урнини бошка бир хатар — “универсал маданият” никобидаги таҳдид эгаллаб олмаяптими?

---

[1] Каримов И.А Юксак маънавият- енгилмас куч “Маънавият” 2008. 46-б.

[2] Маънавият юксалиш йўлида “Маънавият” 2008.102-б.

Бу ҳақда уйлар эканмиз, китоб муаллифининг бир зум ҳам хушёрликни кулдан бермаслик ҳақидаги огохлантиришлари накадар турри эканига такрор ва такрор ишонч хосил киламиз.

Маълумки,ҳар қандай зарарли ғоя одамни ичидан емиради, ўзини англашига салбий таъсир этади. Шу маънода, Президентимизнинг 1998 йидда «Тафаккур»журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобидаги "**Баъзан беозор бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси оркали ҳам маълум бир мафкўравий махсадлар ва интилишлар ифодаланади"[1],** деган фикрларида улкан ҳақ,ихат бор.

Тарих тажрибаси шуни курсатадики, технократик жараёнлар ҳар к,анча кудратли ҳаракат касб этмасин, бу хаётни олдинга бошлайдиган, унга маъномазмун бахш этадиган куч барибир маданият ва маънавият бўлиб крлаверади. Мустак,ил тараққиёт йулини танлаган ҳар бир миллат учун ахлоқ ва миллий маданиятни сақлаш — энг долзарб ва устувор вазифалардан биридир. Чунки, ахлоқ миллий табиатни шакллантирадиган асосий омилдир.

Китобда алоҳида таъкидланганидек, Шарқ дунёсида узига хос демократик институт саналмиш оиладаги соғлом маънавийахлокий мухит ҳамма замонларда ҳам маънавият кургони бўлиб келган. Бу ҳақда донишманд боболаримиз ҳам кўпгина ибратли фикрларни биддирган. Маърифатпарвар Абдурауф Фитрат «Оила»рисоласида ахлоқодобда намунали авлодни тарбиялаш нафакат бир миллат ёки халқ учун, айни пайтда бутун инсоният учун ғоятда мухим эканини зикр этиб, «Кимки бадахлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, балки душманлик килган бўлади», деб ёзган эди.

Бугунги кунда юртимизда баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш масаласи ута долзарб вазифа сифатида кун тартибига куйилаётган экан, бунда фарзандларимизнинг наинки жисмоний, шу билан бирга, ахлокий ва маънавий баркамол булиши зарурлиги алоҳида таькидланаётганини унутмаслигимиз зарур.

[1] Маънавият юксалиш йўлида "Маънавият" 2008.109-б.

“Оммавий маданият”, туб мохиятига кўра, миллий маданиятларнинг кушандаси, у маданий хилмахилликни хушламайди, бу оламни якранг куриш унинг асл максади”[1]. “Юксак маънавият  енгилмас куч” асарида бу хавфга куйидагича баҳо берилади: **“Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлокий бузуклик ва зуравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғоняарини тарқатиш, керак бўлса, шунинг хисобидан бойлик орттириш, бонща ҳалқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга каратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай куймайди”[2].**

“Оммавий маданият” кўплаб жамиятларни сунъий, сохта идеаллар билан чалғитибгина қолмасдан, одам боласи учун мукаддас булган табиий жуфтликни инкор этади, гайриинсоний ахлоқ ва муносабатларни крнунийлаштиради ва буни эркинликнинг олий намунаси деб кузкўзкилади. Ана шу жараёнлар чукур тахлил этиб берилган ғарб олимлари Элвин Тоффлернинг “Учинчи тўлкин”, Патрик Бьюкененнинг “Ғарбнинг ҳалокати”каби асарлари дунё микёсида шовшувларга сабаб булаётгани ҳам бежиз эмас”[1]. Модомики, “оммавий маданият” ғоя  экан, унга қарши қандай ғоя билан курашамиз? “Оммавий маданият”га куч бахш этиб турган бизнесгачи? Унга нимани қарши куямиз? Ана шу саволларнинг узиёқ “оммавий маданият”га қарши туриш осон кечмаслигини курсатади.

Демоқчимизки, “оммавий маданият”ниқобидаги хуружларга қарши кўрашишда ҳалқимизда асрлар синовидан утиб келаётган иммунитет мавжуд. Аммо бу таскин олдимизда турган таҳдидларга бепарво қараш ёхуд бемалол ва хотиржам яшашга асос булолмайди. «Юксак маънавият — енгилмас куч»асарида уринли таъкидланганидек, **“...юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгида мураккаб ва тахликали хаёт ҳақида, унинг шафкатсиз ўйинлари тўғрисида бирёклама ва сохта тасаввур булмаслиги керак”.**

---

[1] Маънавият юксалиш йўлида “Маънавият” 2008.110-б.
[2] Каримов И.А Юксак маънавият- енгилмас куч “Маънавият” 2008. 117-б.

**Мънавият ва уни шакиллантирадиган асосий мезонлар**

**1.1** «Маънавият» арабча сўз бўлиб «маъно» феълидан олинган: руҳ, ақл, онг, идрок, руҳий ҳолат, ички кайфият, дадиллик, жасорат, хусусият, моҳият, ғамхўрлик, қайғуриш диди каби бир неча маъноларни англатади. Маънавият –одамнинг руҳий ва ақлий олами йиғиндисидир. Маънавият-жамиятнинг, миллатнинг  ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча. Маънавият - инсон ва жамият маданиятининг негизи, инсон ва жамият ҳаёти маълум йўналишининг бош омили. У муайян иқтисодий-ижтимоий ҳаёт тизимининг шаклланиши, ўзгариши  ёки инқирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади. Маънавият бойиб борса, жамият равнақ этиб боради ва аксинча, маънавият қашшоқлашса, жамият бора-бора таназзулга юз тутади. Мустақиллик йилларида маънавият масалаларига муносабат тубдан ўзгариб, унинг бойиб боришига кучли эътибор берилаётганининг боиси ҳам шунда. Бой маънавиятсиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Маънавият жамият ва миллат равнақининг бош омили ва пойдеворидир (Ватан туйғуси. Т. Ўзбёкистон, 1996 111 бёт).

«Маънавият» тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларни келтириш мумкин. Шунинг учун ҳам бу масала буйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотда бир – биридан фарк киладиган фикр – мулохазаларни учратгандан бундан таажжубланмасдан уларнинг қайси муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушохада тарзи ифодаси сифатида кабул килиш ўринлидир.

Мухтарам президентимиз ўзининг ушбу китобида маънавиятга таъриф берар экан маънавиятнинг инсон учун нечоғлик зарур эканлигини, усиз инсон ҳаётининг маъно мазмуни йўқолишини ва у инсон ҳаётида нечоғлик

---

[1] Маънавият юксалиш йўлида “Маънавият” 2008.118-б.

аҳамият касб этишини тарифлайди. “ **Маънавият – инсонни рухан покланиш, калбан улуғайига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон – эътикодини бутун киладиган, виждонини уйготадиган бёкиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир**,”[1] десак, менимча, тарихимиз ва бугунги хаётимизда ҳар томонлама ўз тасдигини топиб бораётган ҳақиқатни яккол ифода этган бўламиз деб таъкидлайди президентимиз И. А. Каримов.

Маънавият кенг тушунча бўлиб, маърифат ва маданият тушунчаларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Чунки бу уч тушунча ҳеч қачон бирбиридан айри ҳолда бўлмаган ва бир – бирини ҳамиша тўлдириб келган.

**“Ҳалқнинг маънавий рухини мустаҳкамлиш ва ривожлантириш — Ўзбёкистонда давлат ва жимиятнинг энг мухим вазифасидир.** Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун Инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб ётиш ва озодликни севиш туйғуси билак биргаликда ётилган”[2].

Буюк Алишер Навоий «маъно аҳли» деганда ҳақиқат йўлига кирган комил инсонни назарда тутганлар. Маърифат –илм, ирфон, маориф ҳам деганидир. Демак, маънавият инсонинг руҳий оламидир.

Президентимизнинг ушбу таърифига тўхталадиган бўлсак инсоннинг иродаси бақувват, иймон эътиқоди буд бўлиши учун аввало инсон ҳам рухан ҳам қалбан пок бўлмоғи лозим. Шунинг учун буларнинг барчасини мезони маънавият еканлигини таъкидлайдилар.

«Маънавият» тушунчаси жамият хаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва аҳлокий қарашларни ўзида тула мужассам этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг маънодаги «маънавият» тушунчаси орқали ифода этиш мумкин. Маънавиятнинг негизи ва маъно – мазмунини

---

[1] И. А. Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” Т.: “маънавият” 2008.19-б.
[2] И. А. Каримов “Истиқлол ва маънавият”. Тошкент “Ўзбекистон” 1994.7.б

белгилайдиган асосий хусусиятлар, биринчи галда инсоннинг рухий покланиши ва калбан улгайиши ҳақида гапирар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Барча замонларда ҳам ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътикод, олий максад деб биладиган одамлар кўпчиликни ташкил килади. Айнан ана шундай инсонлар ва уларнинг эзгу ишлари туфайли бу еруг оламда маънавият ҳамиша баркарор булиб келади. Бундай эзгу максадларга эса, фақат юксак маънавият, ўзлуксиз маънавий тарбия орқалигина эришиш мумкин.

“Маънавият инсоннинг қон-қони, суяк-суягига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аждодлар угити, Ватан туйгуси, бу ҳаётнинг баъзида аччик, баъзида кувончли сабоклари билан катра- катра булиб сингиб боради. Айникса, табиатга, одамларга яқинлик, доимо яхшиликни уйлаб яшаш, ҳалол мехнат килиш,дунёнинг тенгсиз неъмат ва гўзалликларидан бахраманд бўлиш маънавиятга озик беради, уни янада кучайтиради”[1]деб таърифлайди президентимиз И. А. Каримов

Президентимиз И. А. Каримов “Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди”[2].деб таъкидлайдилар.

Жахон ҳалқлари тажрибаси, уларнинг босиб утган мураккаб ривожланиш йуллари, бу борадаги сабок ва хулосалар шундан далолат берадики, қаерда давлат ва жамият тараккий топса, ҳалқнинг тинч-осойишта ҳаёт кечириши, ўз олдига эзгу ва буюк максадлар куйиб яшаши учун ётарли шарт-шароитлар яратилган бўлса, уша ерда эркин фикрлаш мухити ва шу асосда маънавий юксалиш учун янги имқониятлар тугилади.Умуман олганда, инсоният тарихи маънавият - инсоннинг, ҳалқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи эканини, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч качон

---

[1] И. А. Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” Т.: “маънавият” 2008.28-б.
[2] И. А. Каримов “Истиқлол ва маънавият”. Тошкент “Ўзбекистон” 1994. 8-б.

одамийлик ва мехр-оқибат, бахт ва саодат бўлмаслигини яккол кўришимиз мумкун.

Ҳар бир инсон ўзининг маънаввий оламига эга уни ҳар ким ҳар-хил тушунади кимдир уни гўзаллик деса кимдир уни оқиллик дейди. Инсон маънавиятни тушуниш учун И.А.Каримов таъкидлаганларидек “**Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак.** “Шунинг учун ҳам ўзлигини, инсоний кадр-кимматини англаб ётган ҳар қандай одам бу ҳақда уйламасдан яшашини тасаввур килиш кийин. Чунки инсонга жамиятдан ҳоли яшайолмайди.

## Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар

Ҳар қайси ҳалқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг ўзоқ ўтмиш, тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, миллий кадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, **маънавий мерос, маданий бойликлар, кухна тарихий едгорликлар** энг мухим омиллардан бири булиб хизмат килади.

Ўзбёкистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу ҳақида шундай дейдилар; «Бирон-бир жамият маънавий имқониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди»[1]. Мустақиллик туфайли ёш авлодни миллий руҳда тарбиялаш шахснинг миллийлигига бевосита алоқадор бўлган фазилатларни сингдириш Меросимиз дурдоналаридан келажак авлод тарбиясида фойдаланиш, уларни ёшлар ҳаётига тадбиқ қилиш орқали ёшларни давр талаби асосида ахлоқий, эстётик, меҳнат ва жисмоний

[1] Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. «Ўзбекистон» 1997. 137 б.

фазилатларини такомиллаштириш лозим. “Миллат миллий қадриятлар соҳиби, миллат таназзули-миллий қадриятлар таназзулидир.” деб кўрсатилади “Мустақиллик миллий оммабоп луғат”ида[1].

Қадимий ва гўзал диеримиз нафақат Шарк, балки жахон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини ҳалқаро жамоатчилик тан олмокда ва эътироф этмокда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиесатчи ва саркардалар ётишиб чиккани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг ўзвий кисмига айланиб кётгандунёвий ва диний илмларнинг, айникса, ислом дини билан боглик билимларнинг тарихан энг юкори боскичга кутарилишида она юртимизда тугилиб камолга ётган улуғ алломаларнинг хизматлари бёкиес экани бизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди. Бу кухна тупрокда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин курилган мураккаб сув иншоотлари, хали-ханўз ўзининг кўрку тароватини сақлабб келаётган осори атикаларимиз кадим-кадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва хунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради.

Мамлакатимиз худудида мавжуд бўлган турт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжахон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО руйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиклайди.

Аждодларимиз тафаккури ва дахоси билан яратилган энг кадимги тошёзув ва битиклар, ҳалқ огзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақлабнаётган минг-минглаб кулёзмалар, уларда мужассамлашган тариҳ адабиёт, санъат, сиёсат, аҳлок, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошка соҳаларга оид кимматбахо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган ҳалқ дунёда камдан-кам топилади.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида туплаган хаётий тажрибаси,

---

[1] Мустақиллик илмий-оммабоп луғат. Т.: 1998, 105-б

диний, аҳлокий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм вохаси худудида яратилган, «Авесто» деб аталган бебахо маънавий обида алоҳида ўрин тутади. Авваламбор, шуни айтиш жоизки, олис ота-боболаримизнинг акл-заковати, калб кури махсули булмиш бу ноёб ёдгорликнинг замон туфонларидан, қанчадан-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача ётиб келганининг ўзида катта маъно мужассам. Бундай ўлмас осори атикалар бу кухна улкада, бугун биз яшаб турган тупрокда кадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувохлик беради.

Мисол учун, **«Авесто»**нинг туб маъно-мохиятини белгилаб берадиган **«Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал»** деган тамойилни оладиган бўлсак, унда хозирги замон учун ҳам бехад ибратли бўлган сабоклар борлигини куриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият хаётининг устувор ғояси сифатида талкин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар ўзвий боглик, нечоглик мустахкам ҳаётий асосга эга экани айникса эътиборлидир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганига 3000 йил бўлаяпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргўзаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир.

Шу билан бирга барча замонларда бўлгани каби «Авесто»да ҳам эзгулик ва ёвўзлик ўртасидаги кураш неча асрлардан бери давом ётиб келаётгани эзгуликнинг шунча вақт мобайинида толиқмай кураш олиб боришининг асосий сабаби бу бизнинг, бутун инсониятнинг онгида унинг рухиятида маънавиятга бшлган мухаббат, миллий урф – одат , миллий қадирятларга бўлган мухаббат самарасидир. Бу холат инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда атроф-мухит кадим замонлардан буен қандай кучли таъсир утказиб келганидан далолат беради.

Маънавиятимизни шакиллантирадиган мезонлардан яна бири бу ҳалқ оғизаки ижодидир. Ҳалқ оғизаки ижоди асрлар бомайнида авлоддан – авлодга ўтиб келаётган достонлар , ривоятлардир бунга мисол таъриқасида **Алпомиш,** широқ, тўмарис каби бизнинг миллий қахрамонларимиздир. Алпомиш ҳалқ оғизаки ижодининг ноёб дурдонаси бшлиб президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганларидек “ Алпомиш достони миллатимизнинг ўзлигини намоен этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган кахрамонлик кушигидир. Агарки ҳалқимизнинг кадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса, «Алпомиш» ана шу достоннинг шох байти, десак тугри булади”[1] деб таъкидлайдилар. Бу мумтоз асарда тарих туфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чикиб, ўзлигини доимо сақлабган эл-юртимизнинг багрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садокат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган. Шу боис «Алпомиш» достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабок беради. Одил ва хақгўйбўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кургонини куриклашга, Дўсту еримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мозорларини ҳар қандай тажовўздан химоя килишга ургатади. Бир пайтлар, аникроги, утган асрнинг 50-йилларида, миллий меросимизнинг кўпгина намуналари каби, «Алпомиш» достони ҳам миллатчилик рухидаги асар сифатида кораланиб, катагонга учраган эди. Уша оғир йилларда фидойи зиёлиларимиз жасорат курсатиб, уни сақлабб колишга муваффак сликларини бугун миннатдорлик билан эслаймиз.

Бу ўлмас асарни ҳалқимиз асрлар давомида яратган, ўз иймон-эътикодидек асраб-авайлаган, қанча авлод-аждодларимиз «Алпомиш» достони асосида тарбия топган, ўзлигини англаган, маънавий бойликка эга бўлган. Демак, ҳалқимиз бор экан, Алпомиш сиймоси ҳам бархаёт.

---

[1] И. А. Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” Т.: “маънавият” 2008.32-33 б.

Дархақиқат «Алпомиш» достони ижодий тафаккуримиз, маънавий бойлигимизнинг ёркин намунаси булиб, тарихий илдизларимизнинг қанчалик чукур экани, ҳалқимиз қандай табиий-ижтимоий мухитда шаклланиб, ривожланганини, аждодларимизнинг олис даврларда ҳам жамоа булиб, бир-бирига елкадош булиб, ўз бошига тушган кийинчиликларни биргаликда енгиб яшаганини ёркин буёкларда тасвирлаб беради.

Барчамиз доимо орзикиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан утказадиган **Наврўз** байрами биз учун хаёт абадийлиги, табиатнинг устувор кудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий киёфамиз, олижаноб урф- одатларимизнинг бётакрор ифодаси булиб келмокда.

Наврўз – табиат уйғониши , баҳор келиши, кун ва тун тенглиги, дала ишлари бошланиши каби ҳодисалар нишонланадиган байрам. Тарихда бу байрам йил боши – янги йил байрами сифатида ҳам машҳур бўлган. Байрамда баҳор келиши, янги меҳнат мавсумига бағишланган сайиллар утказилиб, томошалар, уйинлар уюштирилади, махсус таомлар пиширилади. Хулоса қилиб айтганда, янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси ҳалқимизга мансуб одамийлик, мехр- оқибат, мурувват ва химмат каби юксак хусусиятлардан озикланиб келгани, аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан бахраманд булиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдигидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Маънавиятни шакиллантиришда асосий мезонлардан яна бири бу бизнинг - **муқаддас динимиздир бу** ҳақида алоҳида тухталиб утиш зарур, деб ўйлайман. “ Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутундунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихох ва тарафдорлари бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби муқаддас динимизнинг хакқонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва багрикенглиги, одамзотни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оклаган кадрият ва анъаналарни

аждодлардан авлодларга ётказищдаги бёкиес урни ва аҳамияти билан боглик. Ва ҳалқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллох марҳамат килган бу ҳаётда тугри йул танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, рухий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошка ҳеч қандай куч билан киеслаб бўлмайди, деб уйлайман.” И. А. Каримов

Президентимиз Ислом Каримов,-“муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли ҳуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда”[1] Бу борада ёшларимизни уларнинг зарарли таъсиридан асраб қолиш ҳозирги таълим-тарбия ишимизнинг асосий йўналиши бўлиб қолиши лозим.

Шуни эсдан чиқармаслик лозимки баъзан ислом дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бир-биридан фарклай олмаслик ёки гаразли максадда уларни тенг куйиш каби холатларга, шу билан бирга, ислом динини никоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар хали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гур ёшларни ўз тўзогига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок максадлари йулида фойдаланишларига, бундай ножуя ҳаракатлар аввало муқаддас динимизнинг шаънига дог бўлишини, охир- оқибатда эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир курсатишини барчамиз чукур англаб олишимиз зарур.

Инглиз олими Лорд Роббенпорт ўтган асрнинг бошларидаёқ “Исломни тез суръатлар билан ёйилаётганига асосий сабаб, бу диннинг маънавият масалалари бўйича жуда талабчан бўлганидир" деб ёзган эди. У ўз фикрини давом эттириб: "(Мусулмонлар) марҳаматли, хушхулқ ва одобли, ижтимоий

[1] Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 37- бет

адолатли, илм-фанга бўлган муҳаббат ва эҳтиромда мусулмонларга тенг келадиган миллат ва халқ йўқдир. Ислом моддий бойликлардан кўра фанни афзал кўради" - дейди "Мангу бахт саодат" китобида.

Маълумки, ҳалқимиз азалдан ислом дини ва маданияти ривожига бёкиес хисса кушиб келади. Бу ҳақиқатни жахон жамоатчилиги, бутун мусулмон дунёси яхши билади ва тан олади. Нуфўзли ҳалқаро ташкилот булмиш Ислом қонференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари буйича тўзилмаси - АЙСЕСКО томонидан Тошкент шахрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон килингани ҳам ана шундай юксак эътирофнинг яна бир тасдигидир.

Маънавиятни шакиллантириш мезонлари хусусида тўхталар еканмиз Бизнинг буюк боболаримиз Имом Бухорий, Ат-Термизий Абау Райҳон Беруний, ал- Мотрудий, Бурҳониддин Марғиёний, абдулхолиқ Ғиждувоний, баҳоуддин Нақшбандий, Ал-Хоразимий, Ал-фарғоний, Ал-Фаробий, каби улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг бар-часини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маъ-навий олами нақадар бой ва ранг-баранг экани-ни исботлаб беришдан иборатдир.

Шу ўринда буюк боболаримизнинг маънавий олами хусусида фикр юритганда, **Сохибкирон Амир Темур** ҳақида алоҳида тухталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос колдирди, илму фан, маданият, бунедкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йул очди.

"Темур тўзуклари» - Амир Темур томонидан XIV-XV асрларда ёзилган, бошда турк тилида чоп этилган. Асар 1783 йилда инглиз, кейин бошқа тилларда нашр этилган. Ўзбек тилига биринчи марта форсчадан А. Соғиний (1885-1976) ва Ҳ. Каримовлар таржимаси, Б. Аҳмедов таҳрири

остида (дастлаб «Гулистон» журнали, 1-сон1967 йил, 16-17 саҳифаларда) 1991 йилда ғ.ғулом номидаги наширёт-матба бирлашмасида чоп этилган.

«Темур тўзуклари» да хулқ-атвор: ахлоқ ва одобга оид ўгит насиҳатлар берилган . АмирТемур ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмаган. Ўз «Тўзукларида» ғазаб ва қаттиққўллик билан қилинган муомалани тангри таолонинг ғазабига дучор бўлиш, ўз ҳолини танг қилишдир, деб ёзади. «Ширин сўз айтиб ғанимни имонга киритгин». Тил қиличдан ўткир, бир калима ширин сўз қилични қинга киритар, дейди.”[1]

«Темур тўзуклари»ни инглнзчадан францўз тилига таржима қилиб, 1787 йилда нашр эттан францўз олими Лянглэ Темур ҳақида шундай ёзади: «Темур хон (Темур) сиёсий ва ҳарбий тактика ҳақида рисола ёзган ва ўз авлодларига жуда доно тизим қолдирган. Биз буни тасав-вур ҳам қилмаган эдик ва унинг урушларини босқинчилик ва талон-тарож қилиш деб баҳолаб келган эдик. Деярли енгиб бўлмайдиган икки тўсиқ — биздаги таассуб ҳамда тарихий ноҳақлик Темурни билишимизга ва тўғри баҳолашимизга халақит бериб келди»[2].

Президентимиз И. А. Каримов шундай дейди “Шахсан мен «Темур тўзуклари»ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир рухий куч-кувват топгандек буламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч качон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озик буладиган хикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч хосил килганман. Масалан, «Тажрибамда курилганким, азми катъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, локайд кишидан яхширокдир», деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жихатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён. Амир Темур бобомизнинг бундай чукур маъноли хикматлари ҳалқимизда кадимдан мавжуд бўлган «Билаги зур бирни, билими зур мингни йикар» деган маколга

---

[1] Маънавият юлдузлари. Т.”Тошкент” 2001. 68.б
[2] Мънавият юлдузлари. Т. “Тошкент” 2001. 70.б

ғоят ҳамоханг булиб, инсонни доимо акл-идрок, адолат ва юксак маънавият асосида яшашга даъват этиши билан эътиборлидир”[1] деб таъкидлайдилар.

Буюк Амир Темурнинг набираси, беназир аллома **Мирзо Улуғбек**нинг урта асрлар шароитида намоён этган илмий жасорати бугунги кун олимларини ҳам хайратга солмасдан куймайди. Такдир бу улуғ зотнинг зиммасига бехад улкан ва машаққатли вазифалар юклади. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек ута масъулиятли вазифа айнан унга насиб этди.

Мирзо Улуғбек қарийб кирк йил мобайнида Мовароуннахр диёрининг донишманд хукмдори сифатида ҳалқнинг азалий орзуси - тинчлик, тотувлик, илм-фан ва маданиятни тараккий топтириш йулида улкан шижоат ва матонат курсатди.

Улуғбекнинг илмга қизиққанлиги ва мамлакатнинг равнақини кўзлаганлиги туфайли янги усулдаги билим юрти — мактаб ва мад-расалар барпо қилишга қарор қилиб, деярли бир вақтнинг ўзида Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда учта мадраса барпо этади.

“Улуғбек илмий меросининг энг асосийси, маълум ва машҳури унинг «Зиж»и бўлиб, бу асар «Зижи Улуғбек», «Зижи жадиди Гуранишй» деб ҳам аталади. «Зиж»дан ташқари унинг математик асари бир даражa синусини аниқлаш ҳакида рисола», астрономияга оид рисолайи Улуғбек» (ягона нусхаси Ҳиндистонда, Алигарҳ университёти кутубхонасида сақланади) ва тарихга доир «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») асари” [2]дир.

Бу беназир аллома ўзида минглаб юлдўзларнинг ҳаракатини жамлаган мукаммал астрономик жадвални яратди. Ушбу жадвалда зикр этилган илмий маълумотларнинг нақадар аник ва тугри эканини бугунги энг замонавий асбоблар ҳам тасдиклайди. Улуғбекнинг хаёти ва илмий фаолияти ҳалқимиз маънавиятининг пойдеворига куйилган тамал тошларидан бири булиб,

[1] И. А. Каримов “юксак маънавият-енгилмас куч” Тошкент “Маънавият”2008.45-б
[2] Маънавият юлдузлари. Т.”Тошкент” 2001. 73.б

юртимизда бундан неча замонлар олдин фундаментал фанларни ривожлантиришга қанчалик катта аҳамият берилганини курсатади. «Зижи жадиди Курагоний» деб номланган Улуғбек астрономик жадвали урта асрларда лотин тилига таржима килиниб, Европа олимлари орасида кенг таркалгани фикримизнинг яккол исботидир.

“ Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, беихтиёр 1996 йили Парижда ЮНЕСҚонинг уша пайтдаги Бош котиби Федерико Майор жаноблари билан бўлган бир сухбат едимга тушади. Ушанда жаноб Майор Улуғбекнинг илмий меросини юксак бахолаб, унинг юлдўзлар ҳаракатига оид хисоб-китоблари бугунги кунда компьютер ёрдамида текшириб курилганда атиги бир неча дакикага фарк килиши аникланди, деган гапни айтиб колди. Шунда мен унга жавобан, йук, жаноб Федерико Майор, Улуғбек хато килган бўлиши мумкин эмас, балки компьютерлар хато килган бўлиши мумкин, деган эдим. Гарчи бу гап Дўстона лутф тарикасида айтилган бўлса-да, уйлайманки, унинг замирида чукур ҳақиқат мужассам”[1]. Деб таъкидлайди и. А. Каримов

Ўзбек ҳалқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир курсатган улуғ зотлардан яна бири - бу **Алишер Навоий** бобомиздир. Биз унинг муътабар номи, ижодий меросининг бокийлиги, бадиий дахоси замон ва мақон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз.Алишер Навоий ҳалқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг гурури, шаъну шарафинидунёга тараннум килган ўлмас сўз санъаткоридир.

**“Агар бу улуғ зотни авлие десак, у авлиеларнинг авлиеси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир.”[2]** Инсон қалбининг кувончу кайгусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жахон адабиёти

---

[1] И. А. Каримов “юксак маънавият-енгилмас куч” Тошкент “Маънавият”2008.46-47. б
[2] И. А. Каримов “юксак маънавият-енгилмас куч” Тошкент “Маънавият”2008.47. б

тарихида камдан-кам топилади. Она тилига мухаббат, унинг бёкиес бойлиги ва буюклигини англаш туйгуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебахо меросдан ҳалқимизни, айникса, ёшларимизни қанчалик кўп бахраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик кудратли маърифий куролга эга бўламиз.

Маънавиятни шакиллантирадиган мезонлардан яна бири оиланинг ўрни. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубхасиз, оиланинг урни ва таъсири бёкиесдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйгулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила багрида шаклланади. Боланинг ҳарактерини, табиати вадунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар - яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва мехр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида карор топиши табиийдир.Чунки ҳалқимизда бир нақил бор “қуш уясида кўрганини қилади” шундай экан бола оилада қандай тарбия олса ўз фарзандларини ҳам шундай тарбиялайди. Шунинг учун болани оиладаноқ комил инсон рухида тарбиялаб, унинг маънавий оламсини бойитиб бориш лозим.

Ўзбёкистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб ётишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор».[1] Таъкидлаш жоизки, Президентимиз фикрларида оиланинг энг аввало, эътиқод ва соғлом

[1] Ислом Каримов. Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги. –Œзбекистон Республикаси Конституциясининг олти йиллигига ба$^{2}$ишланган тантанали мажлисдаги табрик с´зи, 1997 йил 5 декабрь.- Каримов И. Хавфсизлик ва бар$^{3}$арор тара$^{33}$иёт й´лида: Т.6 – Т.: Œзбекистон, 1998 – 400 б.

дунёқараш тарбиясидаги беназир роли таъкидлангандир. Шу сабабли оила ҳамда маҳалла тизимида бола тарбияси билан боғлиқ барча тарбиявий ишларнинг асосида халқ анъаналарининг, хусусан, оилавий ўзаро муносабатларда сақланиб қолган миллий қадриятларнинг туб моҳиятига алоқадор қонуниятларни ўрганиш вазифаси турибдики, уларнинг ижтимоий психологик шарт-шароитларини тадқиқ этиш, қўлга киритилган натижаларни амалиётга тадбиқ этишни даврнинг ўзи тақозо этиб турибди.

Одамзот учун бир умр зарур буладиган табиий куникма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос кобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай хис килиши, ётакчилик хислатларига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги, керак бўлса,дунёқараши - буларнинг барчаси аввало унинг тугма табиати, шу билан бирга, оилада оладиган тарбиясига ўзвий боглик эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиклаб беради.

Айнан мана шу даврда бола ҳамма яхши-емон нарсани тушуниб, англай бошлайди, унинг бегубор онги бамисоли босма когоз сингари оиладаги, ен-атрофдаги барча воқеа-ходисаларни, уларнинг замиридаги таассуротларни ўзига шимиб-сингдириб олади. Унинг ота-онасига, бобо ва момоларига мехри ва хурмати, ўзини ураб турган мухитга нисбатан муносабати кундан-кунга такомиллашиб боради. Қискача айтганда, хонадондаги ҳар бир нарса - дарахт ва усимликлар буладими, турли уйинчоклар, уй хайвонлари буладими - буларнинг барчаси боланинг кўзига гуёки оламнинг бёкиёс муъжизаси булиб кўринади ва шу тарика у ёруг дунёни ўзи учун кашф килади.

Баъзи ота-оналар ўз фарзандининг ана шундай қизиқиши ва интилишларига, унинг онгу тафаккурида ҳар куни бир ўзгариш руй бериб, кўзида янги-янги саволлар пайдо булаётганига аҳамият бермайди. Боз устига, агар ота оилада ўзини тутишни билмаса, аҳлок-одоб бобида фарзандларига урнак бўлиш урнига кўпол муомала киладиган бўлса, бу холат, табиийки, бола маънавий оламининг шаклланишига салбий таъсир

курсатади, вақти-соати келиб, унинг ҳарактерида инсон деган номга нолойик, хунук бир одат сифатида намоён булади.Ёки оилада куни-кушниларни куролмаслик, фиску фасод, игво мухити хукмрон бўлса, ҳеч шубхасиз, буларнинг барчаси боланинг хотирасида тўзатиб бўлмайдиган оғир асорат колдиради. Умуман, оиладаги маънавий мухит ва тарбия туфайли бола ё мехрибон ва рахмдил, ёки худбин ва багритош булиб вояга ётишини тушуниш кийин эмас.

Биз ўз фарзандларимизнинг бахту саодатини, икболи ва камолини куришни истар эканмиз, нафақат оиладаги, балки махалла-куйдаги одамларнинг хатти-ҳаракати ҳам боланинг шаклланиб келаётган соф қалби ва онгига қандай таъсир курсатиши ҳақида доимо уйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз зарур.

- Шунинг учун ҳам Президентимиз И. Каримов оила ва ундаги анъаналарга, миллий қадриятларимизга жуда катта эътибор бериб, оиланинг мустаҳкам бўлиши, унда ёш авлод тарбиясининг тўғри йўлга қўйилганлиги энг аввало улардаги мустақил фикрлаш, соғлом эътиқод ва теран дунёқарашни шакллантиришда муҳим ролъ ўйнашини таъкидлаб, шу аснода таркиб топадиган қарашлар тизимини миллатнинг мафкураси, деб таърифлайдилар: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитётига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги куни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан»[1].

Оила. Жамиятнинг, давлатнинг, инсоннинг келажаги оиладан бошланади. Оилада сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик хақида бериладиган илк тушунча ва тасаввурлар боланинг мурғак қалбида бир умрга

[1] И. Каримов. Жамиятимизнинг мафкураси хал³ни-хал³, миллатни миллат ³илишга хизмат этсин.- Т.: Ўзбекистон, 7 жилд, 89 бет.

муҳрланиб қолади. Бунда ота-онанинг соводхонлиги, шахсий намунаси алоҳида роль ўйнайди. Бу эса ота-онанинг фарзанд олдидаги, эл-юрт олдидаги бурчини тўғри ва чуқур англашини тақозо этади. Президент ибораси билан айтганда: "ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари, ўзларининг охиратини обод этувчи қарзлари бор. Дину диёнатли хонадон оқсоқолларидан сўрасангиз, уларни лўнда қилиб санаб беради:

- яхши ном қўйиш,
- яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш,
- илмли қилиш,
- касбли-ҳунарли қилиш,
- бошини икки, уйли жойли қилиш»дан иборат.

Президентимиз И.А Каримов "Ўз-ўзидан равшанки, юкорида зикр этилганидек, бола тарбиясида соғлом насл масаласи ҳам мухим роль уйнашини инкор этиб бўлмайди. Акли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, **бу еруҒдунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебахо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.**

Мухтасар айтганда, **ҳаммамизга аен бўлиши табиийки, оила соҒлом экан -жамият мустахкам, жамият мустахкам экан - мамлакат баркарордир"[1].**

Маҳалла маънавиятни шакиллантиришда асосий мезонлардан биридир ҳалқимизда бир нақл бор "бир болага ётти маҳалла жавобгар" шундай экан бола тарбиясида, уни маънавий оламини, маданийятини, мехр-оқибат, ҳалқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор махалла мухитида шаклланганшундай экан болани жамиятда ўз ўрнига эга бўлишга мустақил қадам ташлашга ўргатишда маҳалланинг ўрни беқиёсдир.

Маълумки, азалдан ўзбек махаллалари чинакам миллий кадриятлар

---

[1] И. А. Каримов "юксак маънавият-енгилмас куч" Тошкент "Маънавият"2008.47. б

маскани булиб келади. Ўзаро мехр-оқибат, ахиллик ва тотувлик, эхтиежманд, ёрдамга мухтож кимсалар холидан хабар олиш, ётим-есирларнинг бошини силаш, туй- томоша, хашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслахат утказиш, яхши кунда ҳам, емон кунда ҳам бирга бўлиш каби ҳалқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор махалла мухитида шаклланган ва ривожланган. Ҳалқимизга хос ўзини ўзи бошкариш тизимининг бу ноеб усули кадим-кадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чукур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз «Махалла - ҳам ота, ҳам она» деган хикматли наклни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида кабул қиламиз.

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир киладиган яна бир мухим хаётий омил - бу **таълим-тарбия тизими** билан чамбарчас богликдир.

Маълумки, ота-боболаримиз кадимдан бебахо бойлик булмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнакининг энг асосий шарти ва гарови деб билган.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек- “Таълим тарбия онг махсули, лёкин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий максад-озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди”[1].

таълим-тарбия тизимини шакллантириш, халқимизни, аввало ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, маънавий ётук, баркамол фидоий инсонларнинг бунёдкорлик фаолиятини янада ошириб, жаҳон ҳамжамиятида нуфўзли ўринни эгаллаш, тарихий ҳақиқатни тиклашга асосланган ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантириш, илғор тарихий маънавий-ахлоқий қадриятлар ва нормалар

---

[1] И. А. Каримов “юксак маънавият-енгилмас куч” Тошкент “Маънавият”2008.61. б

(байрамлар, урф-одатлар, ўйинлар мусобақалар ва бошқалар)ни замонавий турмушга жорий этиш. Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи бўйича ўқувчилар ва ёшлар учун илмий ва илмий-оммабоп адабиётларни яратиш, нашр этишга.

Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргохларида яратилади, бошкача айтганда, ҳалқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боглик. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни куриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустакил ва кенг фикрлаш кобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга ёткaзиш - таълим-тарбия соҳасининг асосий максади ва вазифаси бўлиши лозим, деб кабул килишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйгун ҳолда олиб боришни талаб этади.

**“Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди - бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.**

Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун е ҳаёт - е мамот, е нажот - е халокат, е саодат - е фалокат масаласидир» деган чукур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар мухим ва долзарб бўлган бўлса, хозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кура мухим ва долзарб аҳамият касб этади. .”[1] И. А. Каримов

Таълим-тарбия тизимидаги ислохотларга тўхталадиган бўлсак Ислом Каримов кўрсатганидек, ислоҳот-ислоҳот учун эмас, инсон турмуш шароитини яхшилаш учун, муносиб турмуш шароити яратиш учун хизмат қилиши зарур, чунки у ҳар бир шахс, ижтимоий гуруҳ қатлам табақа, ёшу қари, эркагу аёлларимизнинг туб манфаатларини кўзлаши, илму-фанни,

---

[1] И. А. Каримов “юксак маънавият-енгилмас куч” Тошкент “Маънавият”2008.61-62. б

таълим-тарбияни, соғлиқни сақлашни, инсоннинг фаровон хаётини, унинг мехнат қилишини ва мехнатига яраша турмуш шароитига эга бўлиш учун хизмат қилади.

Мустақиллигимизни қўлга киритганимиздан сўнг юртимизда барча соҳаларда кенг кўлламли ислоҳатлар олиб борилмоқда шу жумладан таълим соҳасини оладиган бўлсак истиклол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртларида тахсил олаётган, замонавий касб-хунар ва илм-маърифат сирларини урганаётган, хозирданок икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг-минглаб ўқувчилар, катта хаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салохиятини ёркин намоён этаётган ёш кадрларимиз мисолида анашундай орзу-интилишларимиз бугуннинг ўзида ўз хосилини бераётганининг гувохи булмокдамиз.

**Миллий ғоя, маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги**

**1.2** Миллий ғоя ҳақида сўз борар экан аввало ғоя нима англаб олмоғимиз лозим. Ғоя – инсон тафаккури маҳсули бўлиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун нарса ва ҳодисалар тўғрисида илгари сурилган изчил фикрлар шакли. Ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр. Инсон онгининг маҳсули сифатида ғоялар тушунча ва фикрлар ёрдамида ифода этилади. Ғоя – бу ёки бу ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни ё қўллаб-қувватлайди, ҳимоя қилади ёки рад этиб унга қарши курашишга даъват қилади. Демак ғоя инсонларни бир мақсад сари етаклайдиган кучли теран фикр. Миллий ғоя деганда эса **Миллий ғоя** халқнинг туб манфаатларини ифода этадиган, уни ўз олдига қўйган мақсадлари сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган ғоядир.

**Миллий ғоя** – у ёки бу миллат, халқ, элатнинг миллий анъаналарини, турмуш тарзини ва танлаб олган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий тизимни ва умуман миллий манфаатларни ҳимоя қиладиган, қўллаб-қувватлайдиган, уларни мустаҳкамлаш учун кўмаклашадиган қарашлар мажмуидан иборат. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, **“миллат тараққиётига, унинг юксалишига хизмат қиладиган, халқларни жипслаштириб, олий мақсадларга сафарбар этадиган ғоялар юксак ғоялардир”**[1]. Ўз тарихи ва тараққиётининг туб бурилиш даврларида ҳар қандай миллат ва халқ келажагини белгилайди, унга етишнинг ўзига мос йўлларини танлайди. Ана шу жараёнга хос ижтимоий, иқтисодий, сиёсий йўналишлар билан барча ғоявий тамойилларини ҳам белгилаб олади. Бунда бутун миллат учун умумий бўлган ғоялар ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган **«Ватан равнақи»**, **«Юрт тинчлиги»**, **«Халқ фаровонлиги»**, **«Комил инсон»**, **«Ижтимоий ҳамкорлик»**, **«Миллатлараро ҳамжиҳатлик»**, **«Диний бағрикенг-лик»** каби ғоялар ана шундай умуммиллий ғоялар қаторига киради.

Шу юксак ғояларни маъно-мохиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий – маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйищуларни янги боскичга кутариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустакил фикрлайдиган ётук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат. Миллий ғояда мужассам бўлган буюк максадларни руёбга чикариш авваламбор жамиятимиз ва шу жамият аъзоси булмиш ҳар қайси инсоннинг маънавий олами ва дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлар билан бевосита боглик эканини унутмаслигимиз керак.

Мухтарам президентимиз ўзининг ушбу китобида Миллий ғоя тўғрисида шундай дейди: “**Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар**

---

[1] Каримов И. Биз келажагимизни œз šœлимиз билан šурамиз. Т.7. -Т.: «Œзбекистон», 1999, 308-бет.

**бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кётган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз”[1].** деб таъкидлайдилар. Дарҳақиқат миллий ғоя бир неча йилда шакилланиб қолмайди, буюк ота –боболаримизнинг неча асрлар мобайинида орзу, умидлари секин-аста шакилланиб сайқалланиб боради ва албатта у ўз замирида тинчлик, осойишталик, ҳалқ фаровонлигини ўзида мужассам этади.

Бутун инсоният тарихи, халқимизнинг неча минг йиллик ўтмиши аччиқ сабоқ ва хулосалар асосида бир ҳақиқатни исботлаб бермоқда. Яъни, биз барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш йўлида ўз олдимизга қандай режа ва дастурларни қўймайлик, барча олижаноб орзу-интилишларимизни амалга оширишнинг ягона шарти ва гарови – бу тинчлик ва осойишталикдир. Бежиз эмаски, юртимиздаги қайси хонадонга кирманг, қандай йиғин ёки маърака бўлмасин, фотиҳага қўл очилганда, ёшу қари, эркагу аёл – барчамиз Яратгандан тинчлик ва осойишталикни сўраб, дуо қиламиз. Маълумки, инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқидир.

Ўзбекистор республикаси консититутциясида белгилаб қўйилганидек “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суйиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”[2] (24-модда). Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдан иборат. Бу ҳуқуқни амалга оширишда давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир.

---

[1] И. А. Каримов “юксак маънавият-енгилмас куч” Тошкент “Маънавият”2008. 71-б
[2] Ўзбекистон республикаси консититутцияси “Ўзбекистон” 2012. 8-б

Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам биринчи галда ана шу мезон билан ўлчанади.

Миллий ғоямизнинг асосий мазмунини ифода этадиган йўналишлар ҳақида гапирганда, ҳеч шубҳасиз, биз Ватан равнақи ва тараққиётини ўзимизга тасаввур қиламиз.Ўз киндик қони тўкилган, ота-боболари хоки ётган она юртни дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб биладиган одамнинг мақсад-муддаолари аниқ, ғурур ва ифтиҳори юксак бўлади.

Ватан равнақи аввало унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Бу, ўз навбатида, ҳар бир юртдошимизни зиммасидаги юксак фуқаролик масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Ва ҳар қайси фуқаро ўз мамлакатининг халқаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин олиши, бугунги кунда тараққий топган тинч ва бадавлат яшаётган давлатлар қаторига кўтарилишидан манфаатдор бўлиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, бу икки тушунча – Ватан равнақи ва фаровонлик масаласи – бир-бири билан чамбарчас боғлик, эканини тушуниш қийин эмас.

Президентимиз Ислом Каримов миллий ғоя тўғрисида фикр юритиб шундай дейдилар ***«Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қад-рият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидоийликни ҳаёт***

***мезонига айлан-тириш миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир»***[1]деб таъкидлайдилар.

Ана шундай мантиқий хулосадан келиб чиққан ҳолда, халқ фаровонлиги деган эзгу тушунчани ҳам миллий ғоямизнинг негизини ташкил этадиган тамойиллар қаторига киритишимиз табиийдир. Нега деганда, бу дунёда ҳар бир одам тўқ ва бадавлат ҳаёт кечириш, эл-юрт учун муносиб фарзанд тарбиялаш, уларга билим бериш, уйли-жойли қилиш, уларнинг бахту камолини кўриш орзуси билан яшайди.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ғоямизга қайси тмондан таъриф ва бахо бермайлик, ҳалқимизни бирлаштирадиган бу олий максадлар асрлар давомида унинг юрагидан, қалбидан жой олиб келган орзу-армон ва эзгу интилишлар билан чамбарчас боглик эканига ишонч хосил қиламиз.

Президентимиз ушбу китобда яна бир нарсага олихида урғу бериб шундай дейдилар: “ Шу ўринда бир фикрни алоҳида урғу бериб айтишни жоиз деб биламан. Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз шўқи, Ўзбёкистоннинг битта йўли бор – мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш.Мафкурамиз, тутган йўлимиз, бор куч-ғайратимиз ана шу улуғвор ниятни амалга оширишга йўналтирилиши керак. Халқимизни, юртимиздаги барча сиёсий кучларни, нодавлат ташкилотларни ягона умумий мақсад атрофида бирлаштирадиган, бир тану бир жон қиладиган миллий ғоя ҳам аслида шу”[2] деб таъкидлайдилар. Ҳақиқатдан ҳам инсоният тарихига халқлар ва давлатлар, миллатлар ва жамиятларни юксалишга етаклаган ёки уларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этган турли хил ғоялар таъсир ўтказиб келган. Чунки инсоният тараққиёти ёки таназзулига ғоя ва мафкура бевосита таъсир этади. Президент Ислом Каримов жамият мафкурасига шундай таъриф берган: “Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 2000. 7-б.
[2] И. А. Каримов “юксак маънавият-енгилмас куч” Тошкент “Маънавият”2008 76-б.

менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан”[1].

Миллий ғоя ва мафкура ўзида гуманизм талабларини, халқнинг ирода ва интилишларини акс эттирган тақдирда жамиятни бирлаштириб, унинг салоҳият ва имкониятларини тўла юзага чиқаришда беқиёс омил бўлади.

Масалан, XX асрда дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган японча тараққиёт моделини олайлик. Япон миллий мафкураси «миллий давлатчилик тизими» (кокутай) «фуқаролик бурчи», «япон руҳи», «тадбиркорлик», «умуммиллийлик», «фидойилик», «ватанпарварлик», «патернализм», «жамоага садоқат», «модернизация» каби ғоя ва тушунчаларга асосланиб, мамлакат эришган юксак натижаларда пойдевор бўлди.

Тарихда даврлар алмашинуви билан мафкуралар ҳам ўзгариб борган. Ғоявий заифлик ва мафкуравий беқарорлик эса миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказади, унинг тараққиётини орқага суриб юборади. Ғоявий заифлик ва мафкуравий беқарорликнинг тарихда аччиқ сабоқлари қолган. Масалан, Македониялик Александр ва араб босқини, Чингизхон босқини, чор истилоси даврларида айрим ҳукмдорларнинг халқни бирлаштириб курашга сафарбар этмагани ўлкамизнинг қарамлик чангалига тушиб қолишига сабаб бўлди.

Мафкура ва ғоялар тарихий тараққиётда етакчи мавқелардан бирини эгаллайди. Инсониятнинг кўп минг йиллик ўтмиши буни яққол тасдиқлайди. Ер юзида дастлабки одамзод пайдо бўлиб, унинг уруғ, жамоа ёки халқ сифатида шаклланиши рўй берган дастлабки даврлардаёқ уларни бирлаштириб турадиган умумий ғоя ва мафкурага эҳтиёж туғилди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Чунки, мафкура -

---

[1] (Асарлар, Т.7. 89-бет).

жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради»[1].

## Маънавий ва моддий ҳаёт уйгунлиги.

Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги тўғрисида сўз борар экан аввало инсон ҳаётининг маъно-мазмунини ташкил этувчи, ота-боболаридан мерос бўлиб келган, урф-одатлар дейсизми, аъаналар дейсизми ё мухташам иморатлар дейсизми буларнинг барчаси инсон ҳаётининг ажралмас қисмидир ва инсон учун қадирят ҳисобланади. Миллий қадриятлар алоҳида олинган халқ, миллат ва элатларнинг ўз тарихий тараққиёти давомида яратадиган барча моддий ва маънавий бойликлар, урф-одатлари, маросимлари, байрамлари ва миллатларнинг ўзлигини белгилайдиган бошқа ўзига хос томонлари йиғиндисидан иборатдир. Бу ўзига хослик моддий, маънавий, ижтимоий, оилавий ҳаёт, турмуш тарзида намоён бўлади. Шундай экан бу икки тушунча ҳеч қачон бир –биридан айри ҳолда бўлмайди.

Президентимизнинг кўплаб асарлари, нутуқларида маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги хусусида хар томонлама атрофлича ёндашиб ўз фикирлари орқали бу икки тушунчанинг инсон ҳаётида нечоғлик катта аҳамият касб этишини, ва унинг жамият ҳаётида мухум ўрит тутишини кўплаб мисоллар орқали ифодалаб беради.Маънавиятнинг инсон ва жамият хаётидаги мохияти ва аҳамияти ҳақида фикр юритганда, бу борада асрлар давомида кизгин бахс-мунозараларга сабаб булиб келаётган бир масалага алоҳида тухталиб утиш лозим.

Яъни, инсоннинг кундалик хаёти ва фаолиятида моддий ва маънавий асослар бир- бирига нисбатан қандай ўрин тутиши, уларнинг қайси бири

[1] Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ќаёт - пировард маšсадимиз. Т.8. -Т.: «Œзбекистон», 2000. 490-бет.

устуворлик касб этиши ҳақида турли-туман, баъзан эса зиддиятли фикр ва қарашлар мавжуд бўлганини ва бундай тортишувлар хозиргача давом этаётганини кўзатиш кийин эмас.Башарият тарихида яшаб утган не-не буюк алломалар бу масала буйича кўплаб асарлар яратиб колдиргани ҳам шундан далолат беради.

Мисол учун, кадимий хинд, хитой ёки юнон файласуфларини оласизми, урта асрлардаги Шарк ва Гарб Уйгониш даври намояндаларини оласизми, ислом оламида ном козонган мутафаккир зотларни оласизми - уларнинг илмий меросида моддий ва маънавий олам уртасидаги муносабатларга кенг ўрин берилганини куриш мумкин.

Ушбу масалага чукуррок ва атрофлича назар ташлайдиган бўлсак, аввало шуни айтиш керакки, бу кухнадунё, биз яшаётган ҳаёт ягона, яхлит бир вокеликдир. Шундай экан, моддий эхтиежларни инсоннинг рухий оламига карама-қарши қўйищ уларнинг бирини устун деб билган ҳолда, тирикликнинг асосий максади сифатида кабул килиш қандайдир биреклама қараш ифодаси, деб айтсак, хато бўлмайди.қолаверса, бу масалага бундай кескин ендашув, хусусан, одамнинг рухий дунёсини менсимаслик, уни иккиламчи ўринга куйиш охир-оқибатда жамият ҳаётида инкирозга олиб келиши мукаррар эканини тарих кўп маротаба исботлаган.

Бир сўз билан айтганда, инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноеб хилкат, Яратганнинг буюк ва сирли муъжизасидир. Шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва хислатларни охиригача англаш, тушунишнинг ўзи ута мураккаб бир масала.

Халқ маънавияти, анъаналари, урф-одатлари миллий негиздан ҳосил бўлади, ва тарихий аҳамиятга кўра ўзига хос, нодир саналади. Айни ҳар халқнинг ўзига хос маданияти асрлар давомида бошқа халқларнинг маданий ютуқларидан ажралмаган ҳолда юзага келади ривожланади. Ҳар бир авлод маданий бойликни янгитдан яратмайди, балки цивилизация давомида

шаклланган моддий ва маънавий бойликларни қабул қилади ҳамда бойитади. Бу қонуниятдир. Демак, Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, «Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Улар инсонларнинг минг йиллик тарихи, ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлар тажрибаси давомида юзага келган».

Президентимиз И. А. Каримов ушбу асарида мана шундай қараш ва фикрларни умумлаштириб, "**инсонга хос орзу-интилишларни руебга чикариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз килаётган кушнинг икки канотига киесласак, уйлайманки, ўринли булади.** қачонки ана шу икки мухим омил ўзаро уйгунлашса, том маънодаги куш канотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият хаётида усиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади"[1].

Кўриниб турибдики, моддий ва маънавий хаёт тамойиллари бир-бирини инкор этмайди, аксинча, ўзаро боғланиб, бир-бирини тўлдиради. Юксак тараккиётга эришишни орзу киладиган ҳар бир инсон ва жамият ўз хаётини айнан ана шундай диалектик ва ўзвий богликлик асосида курган ва ривожлантирган такдирдагина ижобий натижаларга эриша олади.

Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, биз иқтисодий унгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш жараёнларининг маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйгун равишда ривожланиб боришини доимо давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказига куйиб келмокдамиз.

Буларнинг барчаси маънавий кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиздан озикланган иқтисодий тараққиёт йулимиз жамиятимиз ҳаётига қандай ижобий таъсир курсатаётганининг эркин ифодасидир. Энг мухими, юртимизда моддий ва маънавий жараёнларнинг ўзаро мутаносиб

---

[1] И. А. Каримов "юксак маънавият-енгилмас куч" Тошкент "Маънавият"2008 67-б

тарзда ривожлантирилаётгани сиесий-ижтимоий баркарорлик ва тараққиётнинг мустахкам гарови булиб хизмат килмокда.

Президентимиз таъкидлаганларидек “Ўзбекистонинг куч – қудрат манбаи –ҳалқимизнинг умуминсоний қадирятларга содиқлиги, улуғ аждодларимиздан авлодларга ўтаётган моддий ва маънавийнинг кучлилигида фуқароларимизнинг эл-юртга, она заминга битмас-туганмас меҳирда миллий ғуруримизда”[1] деб таъкидлайдилар.

## 1.3. Ватан равнақини таминлашда маънавиятнинг ўрни

Глобаллашув жараёнлари ҳусусида сўз юритишимиздан аввал глобал сўзини маъзмун мохиятини ёритиб ўтсак. “Глобаллашув –лотинча “глоб”сўзидан олинган бўлиб, айнан уни “думалоқлашув”, “курралашув”деб таржима қилиш мумкун”[2]. Шу маънода, глобаллашув - бу аввало ҳаёт суръатларининг бёкиес даражада тезлашуви демакдир.

«Глобаллашув» атамаси дастлаб америкалик олим Т.Левиттнинг 1983 йили «Гарвард бизнес ревью» журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган эди. Муаллиф йирик трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнини шундай деб атаган эди[1].

Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чукур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак - бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнаки нафақат яқин ва ўзок кушнилар, балки жахон микесида бошка минтака ва худудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан чётда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш кийин эмас.

---

[1] И. А. Каримов “Истиқлол ва маънавият” Т. “Ўзбекистон” 1994. 72.б

[2] Мустақиллик илмий- оммабоб луғати тошкент 2006. 70.б

Ҳар бир ижтимоий ходисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда куриш, хис этиш мумкин.

Хозирда давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда.

Салбий оқибатларини олиб қарайдиган бўлсак, глобаллашув ўз навбатида инсоннинг онгига, унинг миллий маданиятига, урф-одатларига, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатга, салбий таъсир кўрсатувчи ҳар-хил офатларни олиб келмоқда масалан: интернетни олиб қарайдиган бўлсак ҳозир 21-аср ахбарот техналогиялар асрида яшаябмиз лекин интернетда хар-хил видео роликлар, ўйиналр , расмлар инсон онгига тасир кўрсатувси матнглар, буларнинг барчаси инсонни онгига катта тасир кўрсатади ва инсоннинг маънавий дунёқарашига, унда Ватанпарварлик , инсонпарварлик каби тушунчаларнинг ўрнин ёт бегона фикирлар, ғоялар инсон онгини қамраб олади. Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жихати шундан иборатки, хозирги шароитда у мафкуравий таъсир утказишнинг нихоятда ўткир куролига айланиб, ҳар хил сиесий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат килаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кўзатиши мукаррар. Шунинг учун ҳам мухтарам президентимиз И. А. Каримовнинг ушбу сўзлари бунинг яққол далилидир: "Бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган курол — яроғлар ер куррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни

---

[1] Баҳодир Зокир. Глобаллашув зиддиятлари. Тафаккур. 2004, № 1, 27-б.

ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф — инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ хақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим", деб уқтиради Президентимиз И. Каримов[1]. Ҳақиқатдан ҳам **“бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпрок кучга эга”[2]**. Бу масаланинг кишини доимо огох бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиесий тазйик бўлса, буни сезиш, куриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйикни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илгаб ётиш нихоятда кийин.

Мана шундай вазиятда одам ўз мустакил фикрига, замонлар синовидан утган ҳаётий-миллий кадриятларга, соғлом негизда шакллангандунёқараш ва мустахкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий тахдидларга, уларнинг гох ошкора, гох пинхона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримахол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида яккол кўзатиш мумкин ва уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келишини ўзок тушунтириб ўтиришнинг хожати йук, деб уйлайман. Утган йиллар давомидадунёда ва минтакамизда руй берган, биз бевосита ўз бошимиздан кечирган воқеалар, мафкуравий жараёнларнинг ривожи бу хулосанинг тугри эканини кайта-кайта исботламокда.

Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Гандининг қуйидаги сўзларида яхши ифодаланган: "Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга,

[1] Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Т., 1998, 9-б.
[2] И. А. Каримов “юксак маънавият-енгилмас куч” Тошкент “Маънавият”2008. 113-б.

очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман"[1].

Демак бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргохларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернёт каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмокда. Жахон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ураб-чирмаб, уни ўқима, буни курма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ураб олиш, ҳеч шубхасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу максад-муддаоларимизга ҳам тугри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият куриш вазифасини ўз олдимизга катъий максад қилиб куйганмиз. Шундай екан президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганларидек "Мухтасар қилиб айтганда, ёшларимизнинг маънавий оламида бушлик вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом хаёт тарзи, миллий ва умуммиллий кадриятларга хурмат- эхтиром туйгусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур"[1].

Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йуналтирилган, бир қарашда арзимас булиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лёкин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён ётказиши мумкин. Масалан яхшилаб ўйлаб кўрайлик хаттоки икки қатор сўз инсон ҳаётини ўзгартириб юбориши мумкун, статистик малумотларга қараганда инсон онгига биринчи эшитган хабари тўғри деган тасаввурни шакиллантирар экан ҳаттоки у нотўғри бўлса ҳам. Шундай экан тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огох ва хушёр булиб яшашимиз зарур. Бундай тахдидларга қарши ҳар томонлама чукур уйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва ўзлуксиз

---

[1] Ш. Юсупов, Б. Ибрагимов "Миллий тараққиётнинг ғоявий асослари" (Ўқув-услубий мажмуа) Гулистон 2013.

равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин.

**“Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва локайдлик хукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибуларчиликка ташлаб куйилса, уша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуктага айланади. Ва аксинча - қаерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак акл-идрок ва тафаккур хукмрон бўлса, уша ерда маънавият кудратли кучга айланади”[2] И. А. Каримов.**

Ана шундай вазиятни хисобга олган ҳолда, яна ва яна бир бор ҳалқимизнинг маънавий оламини бундай тахдидлардан асраш, хозирги ута мураккаб бир замонда ҳалқаро майдонда содир булаётган жараёнларнинг туб мохиятига ётиб бориш, улар ҳақида холис ва мустакил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва унинг аҳлок нормаларидан воз кечилганидан сунг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бушликдан фойдаланиб, чётдан биз учун мутлако ёт бўлган, маънавий ва аҳлокий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.

“оммавий маданият” кўринишидаги ахлоқсизлик ғояларини сингдириш каби ғаразли мақсадлари халққа аён бўлиб бормоқда.

Ахлоқсизлик ғояларини тарғиб этишда машҳур бўлган Фаранг ёзувчиси Маркиз де Сад мафкура орқали мамлакатларни қарам қилиш ҳақида шундай дейди: «Биз бутун дунёни эгалламоғимиз учун бундан буён катта муҳорабаларда қатнашишимиз, жанги жадаллар юритиб, дунёнинг қарийиб узоқ ўлкаларида фаранг аскари ҳалок бўлишию, унинг жасади ва этиклари чириб битиши мутлақо шарт эмас. Агар биз бошқа мамлакатларга, хусусан, Шарққа ахлоқимизни (тўғрироғи, ахлоқсизликларни. Чунки Сад асарлари

---

[1] И. А. Каримов “юксак маънавият-енгилмас куч” Тошкент “Маънавият”2008. 115-б.
[2] И. А. Каримов “юксак маънавият-енгилмас куч” Тошкент “Маънавият”2008.116-б.

асосан ахлоқсизликка йўналтирилган) меникидай китоблар ва бошқа йўллар билан тарқата олсак, уни ўша халқларнинг турмуш тарзига айлантира билсак, жумлаи жаҳон оёғимиз остига юкиниб келади, бутун одамзоднинг қалбига эгалик қилишга муваффақ бўламиз...»[1]. Ахлоқсиз ғояларни тарғиб этувчи асарлар ёзишда шуҳрат қозонган Фаранг ёзувчисининг юқоридаги фикри тарихда ўз исботини топган. Шунинг учун ҳозирги вақтда аҳлоксизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий кадриятларни менсимасдан, эскилик саркити деб қараш билан боглик холатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмокда ва кўпчилик бутун жахонда бамисоли бало-казодек таркалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар мухим эканини англаб олмоғлиги лозим.

Президентимиз И. А. Каримов шундей дейдилар “Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир аҳлокий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона аҳлок кодексини ишлаб чикканликларини эслаш ўринли, деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайкал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму хаё, ибо ва иффат каби юксак аҳлокий туйгу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, уйлайманки, хато килмаган бўламиз”[2] деб таъкидлайдилар.

### Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя

Бугун дунё тараққиёти шу даражага етдики, энди мафкуравий кураш, маънавий салоҳият етакчи ўринга чиқди. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: «Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур

---

[1] Рахмон Қўчқор. Миллий мафкура, маърифат ва буюк келажак. Тафаккур. 1998. №4. 21-бет.
[2]И. А. Каримов “юксак маънавият-енгилмас куч” Тошкент “Маънавият”2008.118-б.

ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда».[1] Демак, энди қурол-яроқлар эмас, балки «фикрга қарши фақат фикр, ғояга қарши фақат ғоя» билан курашиб, олға бориш мумкин. Кимнинг мафкураси, миллий ғояси кучли бўлса, ўша енгиб чиқади.

Мафкуравий кураш бир жамият, мамлакат ичида ҳам, халқаро ва давлатлараро миқёсда ҳам давом этмоқда.

Ҳозирги вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар тобора кучайиб бормоқда. Муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тизимни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи мафкуравий тажовузлар кескинлашмоқда. Бундай тажовузга қўл ураётган ёвуз кучлар ўз жирканч мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётлари, ҳаётда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларидан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. “Шуни унутмаслик керакки, - дейди Президентимиз И.Каримов, бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, - бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”.[2] Бугунги кунда уларнинг аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса ёшларнинг онги ва қалбини эгаллашга интилаётгани, яъни диний экстремизм, сохта демократия каби бузғунчи ғояларни ёки

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.119.
[2] Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.115.

“оммавий маданият” кўринишидаги ахлоқсизлик ғояларини сингдириш каби ғаразли мақсадлари халққа аён бўлиб бормоқда.

Ахлоқсизлик ғояларини тарғиб этишда машҳур бўлган Фаранг ёзувчиси Маркиз де Сад мафкура орқали мамлакатларни қарам қилиш ҳақида шундай дейди: «Биз бутун дунёни эгалламоғимиз учун бундан буён катта муҳорабаларда қатнашишимиз, жанги жадаллар юритиб, дунёнинг қарийиб узоқ ўлкаларида фаранг аскари ҳалок бўлишию, унинг жасади ва этиклари чириб битиши мутлақо шарт эмас. Агар биз бошқа мамлакатларга, хусусан, Шарққа ахлоқимизни (тўғрироғи, ахлоқсизликларни. Чунки Сад асарлари асосан ахлоқсизликка йўналтирилган) меникидай китоблар ва бошқа йўллар билан тарқата олсак, уни ўша халқларнинг турмуш тарзига айлантира билсак, жумлаи жаҳон оёғимиз остига юкиниб келади, бутун одамзоднинг қалбига эгалик қилишга муваффақ бўламиз...»[1]. Ахлоқсиз ғояларни тарғиб этувчи асарлар ёзишда шуҳрат қозонган Фаранг ёзувчисининг юқоридаги фикри тарихда ўз исботини топган. Ўзбек ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Хумоюн ва Акбар» асарини ўқиганимизда, ғоялар ва мафкуралар курашининг ёрқин гувоҳи бўламиз. Айниқса, Бобурийлар авлодидан бўлган Акбаршоҳ замонида инсонпарвар, эркин дин эътиқоди, умуминсоний ғоялар билан миллий бузғунчилик, диний низолар, парокандалик келтириб чиқарувчи ғоялар ўртасидаги кескин курашда фаранг жосуси Альберт Перейронинг Акбарнинг ўғли Салимга фаранг тилини ўргатиш, денгиз саёҳати, денгизчилик ҳақида илм ўргатиш баҳонасида ўзининг ахлоқсиз ғояларини, яъни Салимга отасидан яширинча аёлларнинг беҳаё суратларини кўрсатиб тарбиясини бузиш, отасига душман қилиб тарбиялаш ва ниҳоят ота-бола ўртасида нифоқ келтириб чиқариб, бу сулоланинг илдизига болта уруш ғоясини обдон сингдириб борди. Натижада Акбар олиб борган сиёсатда, мамлакат тараққиётида, турли дину-миллатларнинг тотувлигига эришишда анча қийинчиликлар туғилди. Бу қийинчиликларни юзага келтиришда

вайронкор ғоя билан онги заҳарланган Акбарнинг ўғли Салимнинг таъсири катта бўлди. Бундан кўриниб турибдики, қурол-яроғ билан эмас, балки мафкуравий таъсир йўли билан инсон қалбини эгаллаш ва унинг тафаккўрини муте қилиш мумкин экан. Бу ҳақда гапирар эканмиз, маънавий ҳаётимизга жиддий хавф соладиган яна бир иллат ҳақида тухталиб ўтсак ушбу асарда шундай дейди президентимиз И. А. Каримов “Шахсан ўзим бу иллатдан жирканаман. Шу иллатга чалинган одамни кураргга кўзим йук. Бу - соткинликдир. Мен ҳар қандай евўзликни соткинликдан кураман. Эзгулик ва ҳақиқатга садокати булмаган, уларга ишонмаган одам куркинчлидир. Табиатида соткинлик хусусияти бўлган одам рахбарлик курсисига утириб колса борми, у ерда осойишталик йуколди, деяверинг. Иккита одамнинг, иккита мамлакатнинг уртасидаги урушни ҳам айнан шундай одамлар бошлаб беради. Шу боис бундай одамлардан огох бўлишимиз, уларга енимизда ўрин бўлмаслиги лозим. Агар теварак-атрофимиздаги бирорта кишида шундай аломатлар сезилаётган бўлса, уларни дархол тарбиямизга олиб, тугри йулга бошлашимиз керак.

Шу муносабат билан тарихда кўп марта ўз тасдигини топган, мен ҳам ўз тажрибамда синаган ҳаётий бир ҳақиқатни яна бир бор такрорлашни зарур деб хисоблайман**: агар биз ахил бўлсак, эл-юрт манфаати йулида бир тану бир жон булиб яшасак, ўзимиздан соткин чикмаса, ўзбек ҳалқини ҳеч ким ҳеч качон енга олмайди.”**[2]

Лёкин бировнинг хаётига, ён-атрофда содир булаётган воқеа- ходисаларга бетараф ва бепарво караб, шунчаки кўзатувчи булиб яшайдиган одамдан куркиш керак. Улардан ҳеч качон яхшилик чикмайди. Чунки уларда на иймон, на ирода булади. Улар хатто ўз ҳалқи ва Ватани такдирига ҳам бамисоли бегона одамдек карайди.

Бизга тарихдан маълумки не-не давлатларнинг парокандаликка юз

---

[1] Рахмон Қўчқор. Миллий мафкура, маърифат ва буюк келажак. Тафаккур. 1998. №4. 21-бет.
[2] Каримов И. А Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –122.б

тутишида, лоқайд, бепарво одамларнинг тасири натижасида содир бўлган. Уларнинг ичидаги шундай одамлар борлиги учун ҳам Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлирокдир. Чунки душманнинг кимлиги, асл киёфаси сиз учун олдиндан маълум булади. Бирок локайд ва бепарво одамнинг киёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш кайрайдиган душманлар учун имқоният яратиб беради. Натижада обод турмуш тарзига путур етади.

Машхур файласуфлардан бири ана шу хаётий ҳақиқатни чукур тахлил этиб, куйидаги хакқоний фикрларни баён килган: «Душманлардан қўрқма - нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма - нари борса, улар сенга хиёнат килиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ - улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир булаверади»[1].

Шу боис ҳам ҳар бир инсон ҳаётида ғоят мухим аҳамиятга эга бўлган ана шундай фикрларни униб-ўсиб келаётган ёшларнинг онгига сингдириш, бизнинг моддий ва маънавий бойликларимизни, қадирятларимизни , биз буюк инсонларнинг авлодлари эканимизни уқтириб уларни ҳаёт синовларига бардошли этиб тайерлаш бизнинг ота-она, устоз-мураббий, рахбар-рахнамо сифатидаги, шу муқаддас юрт фуқароси сифатидаги муқаддас бурчимиздир.

**Инсон қалбига йўл**

Президентимиз И. А. Каримов шундай дейди: “Маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлар, мухим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта уйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзланган максадга эришолмаймиз, яъни, инсон қалбига йул тополмаймиз”[2].

[1] Каримов И. А Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –124.б
[2] Каримов И. А Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –129.б

Шундай экан биз биринчи галда таълим-тарбия соҳасидан бошлаб, матбуот, телевидение, Интернёт ва бошка оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусика, рассомлик ва хайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир утказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни ҳалқнинг маънавий эхтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз, янги боскичга кутаришимиз зарур.

Мухтарам президентимизнинг ташаббуслари билан 1994 йил 23 апрель «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида фармони ва 1996 йил 9 сентябрь «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида фармон эълон қилинди. Бундай ислоҳатларнинг асосий сабаби ҳалқнинг маънавий эхтиёжлари, замон талаблари асосида янада тўлароқ ва кенгроқ маънавият тўғрисида маълумотлар олиши ва маънавиятга доир барча соҳада ўзларини қизиқтирган маълумотлар билан танишиш имкониятини яратиб берди.

Инсон қалбига йул аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кётса, аждодларимиз колдирган бебахо меросни эслаш билан бирга, ота- оналаримиз катори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот - ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб мехнатини хурмат билан тилга оламиз. Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур сохибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага урнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар бёкиёс эканини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Дарҳақиқат инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир кудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва езувчиларнинг эса инсон рухининг мухандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта.

Мана шу ғоят машаққатли соҳага бутун ҳаёти ва ноёб истеъдодини бағишлаб, адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган ўлмас асарлар яратган буюк сўз санъаткорлари - уларни барчасининг номларини зикр этиш, албатта, кўп вақтни талаб килган булур эди - ётишиб чиккани билан барчамиз хакли равишда фахрланамиз.

Президентимиз таъкидлаганларидек “**Агар биз Ўзбёкистонимизни дунёга тараннум этмокчи, унинг кадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламокчи, уни авлодлар хотирасида бокий сақлабмокчи бўлсак, аввалaмбор буюк езувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак.** Нега деганда, улуғ адиб Чулпон айтганидек, адабиёт яшаса - миллат яшайди”[1].

**Энг буюк жасорат**

Энг буюк жасорат хусусида тўхталар эканмиз ушбу асарда президентимиз шундай тариф беради; “Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва кахрамонлик намуналари одамзотнинг акл-тафаккури, салохияти ва маънавий жасорати махсулидир. Шунинг учун ҳам **бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат -бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, уйлайманки, янглишмаган бўламиз”[2].**

Дархақиқат узоқ ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак, қалбида, юрагида ана шундай жасорат хисси нихоятда кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йулида ўзини аямай, эл-юрт учун, Ватан учун қандай ибратли ишларни амалга оширганини куриш

---

[1] Каримов И. А Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –139.б

[2] Каримов И. А Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –159.б

мумкин. Айнан ана шундай одамларнинг маънавий фазилатлари туфайли эзгу хис-туйгулар, муқаддас ва улуғ тушунчалар дунёда ханўз баркарор булиб келмокда. Бундай беназир зотларнинг барча ҳалқлар ва миллатлар орасида кўплаб топилиши- маънавий жасорат туйғуси бутун башариятга ҳос хусусият еканидан далолат беради.

Масалан, неча асрлардан буён юксак тафаккур ва акл-заковат тимсоли булиб келаётган антик даврга мансуб юнон файласуфи
Платоннинг хаёт йулини ўзимизга бир тасаввур қилиб курайлик. Маълумки, Платон бутун умрини илму маърифатга бағишлаган улуғ донишманд - Сократнинг муносиб шоғирди эди.

Платоннинг фидоийлиги ва бёкиёс хизматлари эвазига қанчадан-қанча кийинчилик, сарсон-саргардонликдан сунг бор мол-мулкини сарфлаб, Афина шахри яқинидан махсус ер сотиб олиб, олимлар тупланиб, бахс-мунозара олиб борадиган жой -академия ташкил этиши чинакам маънавий жасорат намунаси эди.

Платон асос солган бу илмий маскан минг йил давомида нафақат юнон, балки бутун Шарку Гарб оламининг ривожига кучли таъсир утказади, инсоният тафаккур тараккиётининг истикболини белгилаб беради. Шу боис ҳам Платон Шарк илм-фанида «устоди аввал», яъни биринчи муаллим деган шарафли ном билан шухрат козонади.

Хусусан, Хоразм Маъмун академияси фаолиятини оладиган бўлсак, бу муътабар илмий масканда Шарк ва Гарб улкаларидан
келган, турли миллат ва динга мансуб бўлган олимлар фаолият курсатган бўлса-да, унинг негизини Абу Наср ибн Ирок, Абу Райхон Беруний ва Ибн Сино, Махмуд Хужандий, Ахмад ибн Муҳаммад Хоразмий ва Ахмад ибн Ҳамид Найсабурий каби мана шу бизнинг минтакамизда тугилиб, камол топган ётук алломалар ташкил этгани барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Мазкур академия Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан қайта

тикланди ва ўз илмий иш фаолиятини бошлади. Ҳозирда Маъмун академияси замонавий жиҳозлар билан таьминланиб бир неча тадқиқот лабораториялари ташкил этилди. У 16 минг 600 нусҳа китоб фондига эга бўлган бой илмий кутубхона ва замонавий ахборот-ресурс марказига эга.

Бир сўз билан айтганда, Хоразм Маъмун академияси умумбашарий цивилизация ривожидаги ўрни ва аҳамияти жиҳатидан қадимий Афинадаги Платон академияси, Мисрдаги Александрия кутубхонаси, Шарқ оламида “Байтул ҳикмат”номи билан шуҳрат қозонган Бағдод академияси каби машҳур илмий марказлар билан бир қаторда туриб Шарқ мусулмон Ренессанси – Уйғониш даврининг ёрқин намоёни сифатида тарихимизнинг зарҳал саҳифаларини ташкил этади[1].

Улкан маънавий жасорат сохиблари бўлган бундай аллома зотлардунёнинг қаерида яшамасин, эзгулик ва маърифат йулида доимо одамларга ибрат булиб келган.

XX аср тарихида ҳам бундай улуғ сиймоларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан, Хиндистон миллий озодлик курашининг ётакчиси булиб майдонга чиккан, ҳалқ орасида «Махатма», яъни буюк калб эгаси деб шухрат козонган улкан мутафаккир ва давлат арбоби Махатма Ганди ана шундай шахслардан бири эди. У асос солган гандизм таълимотида хинд ҳалқининг дилига бехад яқин бўлган ғоя ва тушунчалар мужассам топган. Айникса, ўз юртини мустамлакачилардан озод килиш, ягона Хиндистон бирлиги, мустакил давлат барпо этиш масаласи Махатма Ганди ҳаёти ва фаолиятининг маъно-мазмунини ташкил этади.

Мухтарам президентимиз И. А. Каримов оламга машхур аждодларимиз ҳақида қандай тўлқинланиб гапирган бўлса, XX асрда етишиб чиққан буюк олим, адиб ва санъаткорларимиз ҳақида ҳам шундай ғурур билан суз юритади: **“Гап шундаки, тарихимизда бундай беназир сиймоларнинг мавжудлиги — такроран айтишга тўғри келади — узига хос бир феномен, яъни ўта ноёб**

**ходисадир. Бу эса нафакдг бугунги, айни пайтда эртанги авлодларимизнинг ҳам маънавий бойлигига айланиб, ҳалқларимизга хеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган рухий куч-қувват ва мадад бериши муқаррар”[2].**

Жумладан, муаллиф уч ёрқин сиймо — академик Яхё Ғуломов, хассос шоирамиз Зулфия, адабиётшунос Озод Шарафиддинов ҳақида катта хурмат ва эхтиром билан алоҳида тўхталаганлар.Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳалқимиз тарихнинг ҳар қандай туфон ва суронларига карамасдан, миллий ўзлиги ва азалий кадриятларини сақлабб қолиб, бугунги дориломон замонларга безавол етиб келишида унинг қон-қони, суяк-суягида бўлган маънавий жасорат туйгуси, ҳеч шубхасиз, хал килувчи таъсир утказиб келмокда.

Чунки, ўзбек ҳалқи дунё майдонида куни кеча тасодифан
пайдо булиб колгани йук. Биз - бой тариҳ юксак маданият, буюк маънавият ворисларимиз. қадимий тарихимизни ҳар томонлама урганиб, шундай хулосага келиш мумкинки, энг калтис ва тахликали даврларда миллатимизга умид ва ишонч берган, уни ёвларга қарши курашга ундаган, аждодларимизни илмий кашфиётлар, ҳарбий зафарларга, маърифат машъалини баланд кутариб жахолатга қарши чикишга чорлаган бёкиёс куч ҳам айнан маънавий жасорат туйгусидир.

Шу нуктаи назардан караганда, Урганчни боскинчилардан химоя килишда байрок тўтиб жон берган Нажмиддин Кубронинг кахрамонлигида, дунёни туфондек босган Чингизхон кушинига қарши ун бир йил муттасил мардона кураш олиб борган Жалолиддин Мангубердининг жанговар рухида, юртимизни истилочилардан озод қилиб, буюк давлат барпо этган Амир Темур бобомизнинг бунёдкорлик салохиятида ҳам маънавий жасорат туйгуси буюк ва устувор аҳамият касб этгани шубхасиз, албатта.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, олис ва яқин тарихимиз шуни

---

[1] “ Маънавиятни ривожланиш тарихи” (ўкув-услубий мажмуа) Гулистон 2013. 42-б.
[2] Каримов И. А Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –50.б

курсатадики, **ҳалқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улуғ туйғу унинг хаётида йиллар, асрлар утгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормокда. Чунки ҳалқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, Ғайрат ва илхом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади**[1].

Шу маънода, “1991 йил 31 август санасида кулга киритилган миллий мустакиллик - XX асрда ҳалқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунасидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз”[2] деб таъкидлайдилар президентимиз И. А. Каримов

[1] Каримов И. А Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –169-170.б
[2] Каримов И. А Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –170.б